

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛНИНГ МАТЕМАТИК
УСУЛЛАРИ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

ЎзМУ, Д.Т.Мухамедиева

Тақризчи:

Proessor Zair Ibragimov
Departament of Mathematics
California State University
Fullerton, California, USA

Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУнинг кенгашининг 2016 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	11
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	35
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	79
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	87
VII. ГЛОССАРИЙ	88
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	91

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш.

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Математика” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни татбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига татбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. “Тизимли таҳлилнинг математик усуллари” модули айнан мана шу йўналишдаги масалаларни ҳал этишга қаратилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари.

“Тизимли таҳлилнинг математик усуллари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини сиёсий билимлар, сиёсий жараёнлар ҳақидаги тасаввурларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолашдан иборат.

“Тизимли таҳлилнинг математик усуллари” модулининг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- таълим-тарбия жараёнида модулли технологияларни қўллашнинг афзалликларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш;
- юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар:

“Тизимли таҳлилнинг математик усуллари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- алтернатив қарорлар;
- масалани таёрлаш босқичи;
- маълумотларни йиғиш процедураси;
- қарорни амалга оширишни бошқариш босқичи ҳақида **билимларга эга бўлиши;**
- қарор қабул қилиш масаласи;
- тизимли таҳлил назариясидаги амалий масалалар;
- маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари;
- берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари ҳақида **билим кўникма ва малакаларга эга бўлиш.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.

“Тизимли таҳлилнинг математик усуллари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.

“Тизимли таҳлилнинг математик усуллари” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда технологик ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти.

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот		
1.	Математик усуллар илм ва амалиётни боғловчи асосий восита сифатида. Маълумотлар аниқ берилганда қарор қабул қилиш мезонлари. Маълумотлар риск ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари	4	4	2	2	-
2.	Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари. Математика соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлил	6	4	2	2	2
Жами:		10	8	4	4	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Математик усуллар илм ва амалиётни боғловчи асосий восита сифатида. Маълумотлар аниқ берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.

Маълумотлар риск ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.

Алтернатив қарорлари. Масалани таёрлаш босқичи. Маълумотларни йиғиш процедураси. Қарор қабул қилиш масаласини шакллантириш. Қарорни амалга оширишни бошқариш босқичи.

2-мавзу: Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари. Математика соҳасида таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда тизимли таҳлил.

Тизимли таҳлил назариясидаги амалий масалалар. Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот:

Маълумотлар аниқ берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.

Маълумотлар таваккал (риск) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.

Келажакдаги ташқи муҳит ҳолати тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигига кўра тизим (жараён, объект)ни бошқариш бўйича қарорлар;

- Аниқлик шароитида (шароит ҳақида жами маълумот бор);
- Таваккал шароитида (шароит эҳтимоли ҳақида маълумот бор);
- Ноаниқлик шароитида (шароит ҳақида умуман маълумот йўқ);

2- амалий машғулот:

Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари.

Кўп мезонли масалалар ечишда қарорлар қабул қилиш. Иерархиялар таҳлили усули. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятларини аниқлаш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ.

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари, семинар тренинглар (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (тизимли таҳлилнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш, қарорлар қабул қилиш механизмларига амал қилиш, лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.

№	Ўқув-топшириқ турлари	Максимал балл	Баҳолаш мезони		
		2,5	"аъло" 2,2-2,5	"яхши" 1,8-2,1	"ўрта" 1,4-1,7
1.	Тест-синов топшириқларини бажариш	0,5	0,4-0,5	0,34-0,44	0,28-0,3
2.	Ўқув-лойиҳа ишларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7
3.	Мустақил иш топшириқларини бажариш	1	0,9-1	0,73-0,83	0,56-0,7

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Кейс-стади” методи.

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натига (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари


Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириқни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларнинг долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларини таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-мавзу: МАТЕМАТИК УСУЛЛАР ИЛМ ВА АМАЛИЁТНИ БОҒЛОВЧИ АСОСИЙ ВОСИТА СИФАТИДА. МАЪЛУМОТЛАР АНИҚ БЕРИЛГАНДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ. МАЪЛУМОТЛАР РИСК ХОЛАТДА БЕРИЛГАНДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ

РЕЖА:

- 1.1. Алтернатив қарорлар. Масалани таёрлаш босқичи.
- 1.2. Маълумотларни йиғиш процедураси.
- 1.3. Қарор қабул қилиш масаласини шакллантириш.
- 1.4. Қарорни амалга оширишни бошқариш босқичи.

Таянч иборалар: тизимли таҳлил, қарорларни қабул қилиш, риск ҳолатлари, статистик модел, динамик модел.

1.1. Алтернатив қарорлари. Масалани таёрлаш босқичи.

Сўнгги йилларда республикамизда фан, маданият, ишлаб чиқариш, таълим соҳасида жадал ривожланиш суръати яққол кўзга ташланмоқда. Хусусан, таълим тизимидаги туб ислоҳотлар амалга оширилиб – олий таълимнинг инсонпарварлашуви ва демократлашуви, унинг тизимига янги ахборот ва педагогик технологияларнинг кириб келиши эвазига олий таълим муассасаларини бошқаришда либерал бошқарув қадриятларни тиклашни ва унинг асосини коорпоратив тизимли ёндашув асосида комплекс қарорлар қабул қилиш ҳамда бугунги кун талабидан келиб чиқиб, давлат ва жамоатчилик ҳамда шерикчилик асосидаги бошқарувни уйғунлаштириш зарур бўлиб, ушбу келтирилган талаблар асосида олий таълим тизимини ривожлантириш, унинг сифатини янги поғонага кўтаришда Олий таълимни бошқаришда қарор қабул қилиш технологияларининг ўрни катта.

Олий таълимни бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган раҳбар ва заҳира кадрларни халқаро миқёсда олий таълим сифат меъёрининг такомиллашув тенденцияси ва унинг илғор ютуқларини мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида қўллаш имкониятлари ҳамда мавжуд таълим ислоҳотлари сиёсатини таълим сифати менежменти асосида тасаввур этишга қаратилган бўлиб, ушбу соҳа бўйича профессор-ўқитувчилар компетентлигини оширишга хизмат қилади.

Аниқ предмет соҳа бўйича ҚҚҚни ўзаро боғлиқ бўлган бешта қисм тўпламини ўзига бирлаштиради:

Муҳитнинг ички ва ташқи ҳолати ҳақидаги ахборотдан келиб чиққан ҳолда муаммовий ҳолатни акс эттириш (1), ҚҚҚШ экспертлар билан ҳамкорликда (2) “Муаммовий ҳолат ва уни ечиш йўллари” қисм тизими моделини шакллантиради (3), муаммони ҳал этиш бўйича тадбирлар рўйхатини ташкил этишади (4), улардан мақбулини жамоада келишилади ва тасдиқланади (5).

ҚҚҚШ масаласи юзага келган муаммоларни муваффақиятли ечиш билан чегараланиб қолмай, балки юзага келадиган муаммони кўра билиши ҳамда ўз вақтида ва самарали еча билиши лозим.

1.2. Маълумотларни йиғиш процедураси.

Келтирилган тизим бўйича аниқ бир предмет соҳа бўйича ҚҚҚ процедураси тавсифланган. Бу процедура тўрт босқичдан иборат:

I-босқич. Муаммовий ҳолатни баҳолаш.

1. Тизимни, унинг қисм тизимини ва ўзаро боғлиқликларини аниқлаш.

2. Ахборот ишончилигини аниқлаш.

3. Муаммони шакллантириш.

4. Ечиш вақти бўйича устувор муаммони аниқлаш:

4 а) муаммони ечишни бир муддат орқага суриш,

4 б) муаммони ечишга киришиш,

4 в) муаммони ечишга киришмаслик.

5. Ташқи ва ички муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг қўшимча баҳоси.

6. Муаммонинг ҳосил бўлиш сабабини таҳлил қилиш.

II босқич. ҚҚҚ моделини қуриш.

7. Муаммони баҳолаш ва ечиш учун илмий усуллар ва техник воситаларни аниқлаш.

8. Ечимларнинг мумкин бўлган вариантлар тўпламини аниқлаш.

9. Барча ечим вариантлари учун баҳолар тўпламини аниқлаш.

10. ҚҚҚШ томонидан мақбулларни аниқлаш.

11. Муаммони ҳал этишда компромис тадбирларни ишлаб чиқиш.

12. Турли вариант қарорлар учун мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш.

13. ҚҚҚШ маъқуллаши бўйича ҚҚҚ қондасини шакллантириш.

14. Амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни таҳлил қилиш ва танлаш.

15. Муаммонинг ечимини асослаш бўйича аргументлар рўйхатини ташкил этиш.

III-босқич. Ишлаб чиқилган тадбирларни мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш.

16. Муаммо ечими вариантларини мувофиқлаштириш жараёнини ишлаб чиқиш.

17. Ечимларни амалга оширувчи ҚҚҚШ ва бажарувчи ечимларини мувофиқлаштириш.

18. Бошқарувда қарорни амалга оширишга тайёрлаш.

19. Муаммони ечиш билан боғлиқ тадбирларни тасдиқлаш.

IV- Яқунловчи босқич.

20. Қарор лойихасини бажарувчига бериш.

21. Қарорнинг амалга оширилишини тезкор назоратга қўйиш.

22. Проведение необходимых консультаций.

23. Келажак учун қилинган ишлар борасида хулосалар тайёрлаш.

24. Қарорни амалга оширишга тайёрлаш.

ҚҚҚнинг энг мураккаб босқичларидан бири моделни қуриб олиш ҳисобланади.

Мукобил характеристикасини муваффақиятли амалга ошириш учун ҚҚҚнинг кўп мезонли моделларидан фойдаланиш ўринли.

ҚҚҚ масаласини ечишнинг кўп мезонли моделини қуйидаги элементлар жамланмаси кўринишида ифодалаш мумкин:

$$\langle t, \Phi, F, \Theta, P, r \rangle,$$

бунда t – масала қўйилиши (типи);

Φ – қарорлар тўплами;

F – баҳолаш функцияси векторлари;

Θ – ахборот ҳолатлари тўплами;

P – ҚҚҚШ маъқуллашлари тизими;

r – қарорни танлаш қоидаси.

Шу қаторда аниқ берилган элементли бундай модел асосида қарор вариантларини таққослаш ва уларни формаллаштирилган усуллар ёрдамида тартиблаш мумкин.

Кўп критерияли моделларни ҚҚҚ масалаларида қўллаш масаланинг қўйилишидан бошланади. Мақсад шакллантирилгандан кейин мумкин бўлган қарор вариантлари тузилади, мезонлар рўйхати шакллантирилади, ҳар бир мезон бўйича вариантлар баҳоланади, кейин мақбулликлар тизими аниқланади ва ҳал қилувчи қоида қурилади. Ҳал қилувчи қоида асосига қурилган мумкин бўлган қарорлар тўплами ёрдамида талаб қилинган масаладаги тартибга эришилганлик аниқланади. Агар бундай тартиблаш олинган бўлса, у ҳолда унинг таҳлили амалга оширилади, акс ҳолда эса модел элементларидан бири танланади. Таҳлилдан кейин олинган тартиблаш ҚҚҚШни қаноатлантириши текширилади ҳамда якуний ҚҚҚ амалга оширилади.

Бошқариш жараёнида ҳосил бўладиган масалалар турлича бўлиши мумкин. Уларнинг қандай шароитларда қабул қилинишига қараб уч гуруҳга ажратилади: аниқ шароитда, таваккалчилик ҳолатида ҳамда ноаниқлик шароитида қабул қилинаётган қарорлар. Аниқ шароитда қарорларни танлаш ҳар бир хатти-ҳаракат натижаси аниқ деб қарайди.

ҚҚҚ S муҳит $\theta_j \in \Theta$ ҳолатда бўлганда $\varphi_k \in \Phi$ қабул қилинган қарорнинг миқдорий баҳоси бўлиб ҳизмат қиладиган f_{jk} матрица элементлари билан характерланади.

ҚҚҚ мезонлари деб $\{\Phi, \Theta, F\}$ ҚҚҚнинг ҳар бир ҳолат учун ягона $\varphi_0 \in \Phi$ оптимал қарорни аниқланишига айтилади.

ҚҚҚ масаласини норавшан ифодалаш қуйидаги ҳолатларда бўлиши мумкин:

1. Моделлаштиришга ресурснинг чекланиши (вақт ва нарх) мавжуд бўлган аниқ ахборотни олиш имконини йўқотади ва тизимли таҳлилчиларни эксперт билимларидан фойдаланишларига мажбур қилишади, эксперт билимлари эса норавшан сўзли кўринишда ифодаланади. Натижада оддий ҚҚҚ масаласи норавшан муҳитга “чўмдирилади”.

2. Ресурсларга нисбатан чеклашларда мавжуд сонли ахборот ечимларни топиш имконини бермайди, бироқ ҚҚҚШ уни ўз малакасига таянган ҳолда топади, у бу билимларини бошқа ҚҚҚШга норавшан қоидалар кўринишида қолдириши мумкин. Бу ерда ҚҚҚ масаласи қўйилишига кўра ҳам норавшан ҳисобланади.

3. Мураккаб объектни лойихалашнинг бошланғич босқичларида лойихалашнинг бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади, бироқ у ёки бу йўл орқали шакллантирилган объект қандай хусусиятга эгаллиги маълум бўлмайди. Лойиханинг барча вариантларига ишлов бериш учун ресурс мавжуд эмас, лойихаловчилар тажрибалари эса сифат кўринишида ифодаланади (сўзли ифодалаш кўринишида). Вариантлар қисмларини (альтернатива), уларнинг компонентларини норавшан баҳолари мавжуд сифатнинг вектор кўрсаткичи асосида тарқатиш масаласи қўйилади. Бундай ҳолатда лойихалаш бошланғич кўринишидаёқ норавшан муҳитга сингдирилган бўлади¹.

Юқоридаги санаб ўтилган барча ҳолатларда ишлаб чиқувчи экспертларнинг яқинлаштирилган билимларига мурожаат қилишга мажбур бўлишади, уларнинг ёрдамида ҚҚҚ жараёнини ишонч билан амалга оширишади. Таъкидланганидек, ноаниқ билимларга таяниш инсоннинг ахборотни у ёки бу кўринишда ифодаланиши учун табиий тилдан фойдаланишига ўхшайди, хусусан, ҚҚҚШ профессионал тилида ҳам ҚҚҚШ ҚҚҚ масаласини сифатли ифодалашда тушунчаларни ноаниқ сўз тушунтиришларидан фойдаланиши ушбу масалага тааллуқли бўлган ва аниқ миқдорий тавсифланишнинг имкони бўлмаганда барча омилларнинг тўлиқ ифодалаб бериш имконини беради.

ҚҚҚ масаласида норавшан ахборотни қайта ишлаш лингвистик ёндашувни қўллашни таъминлайди. Лингвистик ёндашув доирасида ўзгарувчи қиймати сифатида нафақат сонли кўриниш, балки табиий тил сўз ва гаплари ҳам олиниши назарда тутилган, уларни шакллантириш аппарати норавшан тўпламлар назарияси ҳисобланади. ҚҚҚ моделларини қуришда ҚҚҚ масаласи элементларини норавшан ифодалаш имконини берувчи лингвистик ёндашувнинг ўзига ҳосликларини ва уларнинг муқобилларини танлаш мақсадида ишлатилишини қараб ўтаемиз.

ҚҚҚ моделларини қуришда лингвистик ёндашув қуйидаги имкониятларни беради:

➤ ҚҚҚ масаласи элементларини ифодалаш учун ҚҚҚШнинг норавшан тушунчалар, муносабатлар ва ҚҚҚШ профессионал тилидаги фикрлашлари орқали ифодаланган баҳоларини олиш;

➤ Норавшан тўплам, лингвистик ўзгарувчилар ва норавшан гувоҳликлар ёрдамида норавшан тавсифлашни шакллантириш;

➤ Норавшан тўпламлар назарияси асосида ривожлантирилаётган аппарат ёрдамида олинган формал объектлар орқали амал бажариш;

➤ Масаланинг ечими натижаларини ҚҚҚШ профессионал тили тушунчалари ва муносабатларини қўллаган ҳолда норавшан кўринишда ифодалаш.

1.3. Қарор қабул қилиш масаласини шакллантириш.

Риск ҳолатида қарор қабул қилиш масалалари усул ва моделларини тизимли таҳлил қилиш. Бир нечта муқобиллардан биттасини танлаш ҳисобланган қарор қабул қилиш жараёни бутун инсон фаолияти асосини ташкил этади. Кўпгина қарорларни биз ўйлаб ўтирмасдан қабул қиламиз, чунки бизда хатти-ҳаракатларимизни бошқаришнинг амалиётда шаклланган автоматлашган

¹ Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010.

кўриниши мавжуд. Бироқ шундай ҳолатлар борки, унда инсон чуқур ва узок фиклашига тўғри келади. Бундай ҳолатда инсон танлаш учун янги кўринишдаги объект ёки муҳитга дуч келади.

Бироқ қарор қабул қилишни бошқаришда бу тизимлаштирилган жараён ҳисобланади. Бошқарувда қарор қабул қилиш ўзида муқобиллардан шундай вариантыни танлашни англатадики, унинг ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатда ҳозир ва кейинги вақт оралиғидаги узилиш рўй бермаслиги таъминланади. Қарор қабул қилиш жараёнининг ўзи кўплаб элементларни мужассамлаштиради, бироқ унда шундай ҳамма вақт қатнашадиган элементлар мавжуд, улар муаммолар, мақсадлар, муқобиллар ва қарорлардир. Ушбу жараён муассаса фаолиятини режалаштириш асосида ётади, чунки режа – бу муассаса мақсадларини амалга оширишда ресурсларни жойлаштириш ва йўналтириш бўйича қарорлар мажмуаси ҳисобланади.

Шу қаторда бошқарувчининг кундалик ҳаётида барча бошқариш жабҳаларида қарорларни қабул қилиш ўз аксини топади.

Қарорларни қабул қилиш (ҚҚҚ) умумий кўринишда қуйидагича ифодаланади.

$D = \{ d_1, \dots, d_i, \dots, d_m \}$ муқобил вариантлар тўплами берилган. Барча $d_i \in D$ лар учун $w(d_i)$ - вариант самарадорлиги кўрсаткичи функцияси берилган.

$w(d_{i_0})$ функция қийматларига кўпроқ мос келувчи $d_{i_0} \in D$ яхшироқ вариант танлаш талаб этилади, яъни

$$d_{i_0} = \arg \max_{d_i \in D} w(d_i)$$

$w(d_i)$ функцияси турли кўринишдаги қиймат ва математик ифодаланишида бўлиши мумкин. Масалан, уни қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин:

$$W(d) = (q(d), c(d), t(d))^1,$$

бунда $d \in D$ – қандайдир $d = F(X)$ операторга мос равишда шакллантириладиган қарор (амаллар, бошқариш) (X – муаммовий ҳолатни акс эттирувчи параметрлар тўплами); $q(d)$ – d ни амалга оширишнинг фойдалилик самараси функцияси; $c(d)$ – d ни амалга ошириш учун сарфланадиган ресурс функцияси; $t(d)$ – d ни амалга оширишдаги сарф этиладиган вақт.

Бу функциялар миқдорий баҳо билан бир қаторда сифат баҳога ҳам эга бўлади. Қарор қабул қилиш масаласи мақсад ва шартларига қараб бу функцияларнинг барчаси ёки улардан айримлари ҳисобга олинади.

$d = F(X)$, $q(d)$, $c(d)$ ва $t(d)$ функцияларнинг аниқ кўриниши, шу ўринда $W(d)$ функциянинг ўзи ҳам, шу қаторда $W(d)$ каттароқ бўлган қийматини топишнинг барча ёки алоҳида омиллари мос ечимни топиш усулини танлашни белгилаб беради, бунинг оқибатида қарор қабул қилиш масаласи кўп қирралиликка олиб келади.

Қарор турли классификацион белгилар асосида синфлаштирилади.

Қарорлар тузилмасига кўра сиёсий, иқтисодий, техник ва бошқаларга бўлинади; фаолият муддати ва келажакка таъсир доирасига кўра – оператив, тактик, стратегик; қарор қабул қилувчи шахс кўринишига кўра – индивидуал ва

жамоавий (муассасавий); такрорланмаслиги даражаси бўйича – машаққатли, ижодиймас ва такрорланмас, ижодий; ноаниқлик даражаси бўйича (ахбротнинг тўлиқлиги) – аниқлик шароитида, таваккаллик шароитида (эҳтимолли аниқликда) ва ноаниқлик шароитида қарорлар кўринишида бўлиши мумкин.

Муаммолар классификацияси умумлашганининг ўзини Г.Саймон томонидан муаммони уч синфга бўлишни таклиф этилган:

1. Яхши тизимлаштирилган ёки миқдорий шакллантирилган муаммолар;
2. Тизимлаштирилмаган ёки сифатли ифодаланган муаммолар;
3. Кучсиз тизимлаштирилган ёки аралаш муаммолар;

Бу синфлаштириш турғун ҳисобланмаса-да, яъни у вақт ўтиши билан бирор синфга тегишлилигини ўзгартирса-да у кўп нарсани тушуниш имконини беради.

Яхши тизимлаштирилган ва тизимлаштирилмаган синфлар орасида кучсиз тизимлаштирилган синф мавжуд. Қабул қилинган таърифлар асосида кучсиз тизимлаштирилган муаммоларга қуйидаги хусусиятларга эга муаммолар киради:

- қабул қилинаётган қарорлар келажакка тегишлилиги;
- кенг қамровли муқобилларнинг мавжудлиги;
- қарорлар жорий технологик ютуқларнинг тўлиқмаслигига боғлиқ;
- қабул қилинаётган қарорлар катта ресурслар ва таваккал элементлари бўлишини талаб этади;

- муаммони ечишга кетадиган харажат ва вақт бўйича талабларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;

- муаммо ич-ичдан мураккаблик касб этади, шунинг учун уни ечишда турли ресурсларнинг комбинацияси зарур.

Шуни таъкидлаш керакки юқорида санаб ўтилган муаммолар синфлари ўртасида аниқ бир ажратилган чегараланишлар мавжуд эмас. Кўпгина муаммолар илк келиши вақтида тизимлаштирилмаган ва кучсиз тизимлаштирилган кўринишда келади, бироқ уни таҳлил қилиш жараёнида улар яхши тизимлашган ва ҳаттоки стандарт муаммога айланишади.

Шу қаторда таъкидлаш лозимки, ҚҚҚ муаммоси кучсиз тизимлаштирилган ёки тизимлаштирилмаган муаммога тегишли бўлади, шунинг учун қарор қабул қилувчи шахс (ҚҚҚШ) малакасига, интуициясига ва мақбул кўришига қараб қарор қабул қилинади. ҚҚҚШ сифатида коллегиял идора ҳам келиши мумкин. Бу ерда ҚҚҚШ учун мос йўриқларни шакллантирилишида эвристик усуллар қаторида қатъий математик усуллар ҳам ишлатилади.

ҚҚҚ масаласини синфлаштиришда турли белгилардан фойдаланилади. Уларни умумлаштирилган ҳолда қуйидагича келтириш мумкин:

- 1) Муаммовий ҳолат (МХ)нинг хусусияти;
- 2) МХ тизимлаштирилганлигининг типини;
- 3) МХ хусусиятининг баҳоси;
- 4) МХ стратегиясининг хусусияти;
- 5) Самаралилик кўрсаткичи, сифат мезони кўриниши;
- 6) ҚҚҚ шартлари хусусиятлари;
- 7) ҚҚҚ иштирокчилари сони;
- 8) ҚҚҚ шартларининг аниқланиш даражаси.

Келтирилган белгалар бўйича таклиф қилинаётган синфлаштириш қуйидаги

жадвалда келтирилган:

Жадвал

ҚҚҚ масаласини синфлаштириш схемаси

ҚҚҚ масаласи белгилари	ҚҚҚ масаласи типлари
1. МХ хусусияти	1.Статик 2.Динамик
2. МХ тизимлаштирилганлик типлари	1.Тизимлаштирилган 2.Кучсиз тизимлаштирилган 3.Тизимлаштирилмаган
3. МХни баҳолаш хусусияти	1.Объектив: а) статик б) динамик 2. Субъектив: а) статик б) динамик
4. ҚҚҚ стратегияси хусусияти	1.Тизимлаштирилган 2.Кучсиз тизимлаштирилган 3.Тизимлаштирилмаган
5. Самарадорлик, сифат мезони кўриниши	1.Скаляр 2.Вектор
6. ҚҚҚ шартлари хусусияти	1. Равон 2.Аномал 3.Экстремал
7. ҚҚҚ қатнашчилари сони	1.Индивидуал 2. Жамоавий
8. ҚҚҚ шартларининг аниқлик даражаси	1. Аниқлик шароитида 2. Ноаниқлик шароитида: а) стохастик ноаниқлик; б) стохастик бўлмаган ноаниқлик: •табиий •ўзини тутиши

1.4 . Қарорни амалга оширишни бошқариш босқичи.

МХ параметрининг вақтга боғлиқлиги билан статик ва динамик ҚҚҚ масалаларига бўлинади.

Статик модел ҚҚҚ ҳолати кўринишида аниқланади. Вальд мезонини асосида оптимал сифатида шундай муқобил танланадики, бу ҳолатда нормаллаштирилган кўрсаткич максимал қийматга эга бўлади:

$$f_{k_0} = \max_{\varphi_k \in \Phi} \min_{\theta_j \in \Theta} \overline{f_{jk}} .$$

Вальд мезонини қўллаш жараёнида, аввало, кам қийматли бўлган кўрсаткичлар танлаб олинади ва уларнинг ичидан каттароқ қийматлилари ажратиб олинади.

Гурвиц мезони қуйидаги кўринишга эга:

$$H = \max_{\varphi_k \in \Phi} \{ \lambda \min_{\theta_j \in \Theta} \overline{f_{jk}} + (1 - \lambda) \max_{\theta_j \in \Theta} \overline{f_{jk}} \}.$$

Бунда $\lambda - 0$ ва 1 оралиғида ўзгарувчи қийматли коэффициент. $\lambda = 1$ да Гурвиц мезони Вальд мезонига, $\lambda = 0$ да эса “чет оптимизация”га айланади”. $0 < \lambda < 1$ “чет пессимизм” ва “чет оптимизм” ўртаси ҳосил бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, λ коэффициентни ҚҚҚШ белгилайди.

Таваккал ҳолатда қарорни танлаш бирор мумкин бўлган хусусий ҳолатлари тўпламидан танлаш орқали натижа келиб чиқади ва ҳар бир натижаларнинг пайдо бўлиши маълум эҳтимолликларга эга бўлади. Қарор қабул қилувчига бу эҳтимол маълум деб тасаввур қилинади. Таваккал ҳолатда ҚҚҚ масаласини ечишда Байес мезони ва энтропия минимуми мезонидан фойдаланишни маслаҳат берилади.

Бу ахборот ҳолатида ҚҚҚ идора маълум априор тақсимланган эҳтимолликдаги билимга эга бўлиши билан характерланади:

$$P = (P_1, \dots, P_n), \quad \sum_{j=1}^n P_j = 1.$$

Байес мезони ўзагини баҳолаш функционали математик кутилмасини максималлаштиришни ташкил этади.

Байес мезонига асосан $\varphi_{k_0} \in \Phi$ оптимал ечим деб баҳолаш функционали математик кутилмасининг мумкин бўлган энг катта қийматга эришиладиган қарор ҳисобланади:

$$B = \max_{\varphi \in \Phi} \left[\sum_{j=1}^n P_j f_{jk} \right].$$

$\varphi_n \in \Phi$ қарор учун баҳолаш функционали математик кутилма энтропиясини куйидаги кўринишда аниқлаймиз:

$$H(P, \varphi_k) = - \sum_{j=1}^n \frac{P_j f_{jk}}{\sum_{j=1}^n P_j f_{jk}} \ln \left(\frac{P_j f_{jk}}{\sum_{j=1}^n P_j f_{jk}} \right).$$

Баҳолаш функциясининг минимум энтропия мезонининг ўзагини куйидаги шардан φ_{k_0} қарорни топилади:

$$H(P, \varphi_{k_0}) = \min_{\varphi_k \in \Phi} H(P, \varphi_k).$$

Ноаниқлик шароитида қарор танлаш мумкин бўлган ҳар бир хатти-харакат хусусий натижалар тўпламини ҳосил қилиши натижасида рўй беради, бу натижаларнинг эҳтимоллиги маълум бўлмайди.

Номаълум тақсимланиш билан характерланадиган ахборот ҳолати учун:

$$P = (P_1, \dots, P_n), \quad \sum_{j=1}^n P_j = 1$$

Бернулли – Лаплас баҳолаш мезони ва Хоменюк мезонини қўллаймиз.

Қуйидаги шарт бажарилган ҳолатда Бернулли – Лаплас мезони бўйича $\varphi_{k_0} \in \Phi$

қарор оптимал ҳисобланади:

$$B(P, \varphi_{k_0}) = \max_{\varphi_k \in \Phi} B(P, \varphi_k) = \max \frac{1}{n} \sum_{j=1}^n f_{jk} .$$

Хоменюк мезони “эҳтимолларнинг потенциал тақсимланиши” тушунчасига асосланади. Бунда априор эҳтимоллик P потенциал вектори куйидаги кўринишда аниқланади:

$$P_j = \frac{\sum_{s=1}^m (\max_{i=1,m} f_{ji} - f_{js})}{\sum_{l=1}^n \sum_{s=1}^m (\max_{i=1,m} f_{li} - f_{ls})} .$$

Статик модел ёки статик тизим модели – ўрганилаётган вақт оралиғида унинг ҳолати ўзгарувчиси ёки координатаси ўзгармасдан қолади, деб қабул қилади.

Динамик модел²– вақт оралиғида ўзгарувчи тизим модели. Математик жиҳатидан уни вақт оралиғида ўзгарувчи координата орқали ифодалаш қабул қилинган. Ўзгариш жараёни траекториянинг ўзгариши билан характерланади (яъни ҳар бири вақт функцияси ҳисобланган координаталар жамланмаси).

Бундай тизимлар орасида чизиқли динамик тизимлар ажралиб туради, улардаги кирувчи катталиклар, ҳолатлар параметри ва чиқувчи катталиклар орасидаги боғлиқлик чизиқли характерга эга бўлади.

Ҳозирги вақтда асосан натижалари ахборот ҳолатларини ва қарор қабул қилиш мезонларининг деталлаштирилишида бошланғич босқич бўлган статик моделлар қараб ўтилмоқда. Турли ҳолатли шароитларда динамик (кўп қадамли) моделлардан фойдаланиш ўринли.

Бу мақсад учун бошқарилаётган объектнинг амал қилиниши учун N - қадамли динамик жараён қаралган. Ҳар бир $l (1 \leq l \leq N)$ босқичда ҚҚҚШга куйидагилар маълум деб қаралган: олдинги $l-1$ - босқичда бирор мумкин бўлган $A^l = \{a_1^l, \dots, a_{m_l}^l\}$ объектнинг ҳолатига ўтиши; l - босқичда ҚҚҚШ қабул қилиши мумкин бўлган $\Phi^l = \{\varphi_1^l, \dots, \varphi_{m_l}^l\}$ қарорлар тўплами; l - босқичда муҳитнинг мумкин бўлган $\Theta^l = \{\theta_1^l, \dots, \theta_{n_l}^l\}$ ҳолатлар тўплами; $p^l = \{p_1^l, \dots, p_{n_l}^l\}$ муҳит ҳолатини Θ^l тўпламга априор тақсимлаш.

Кучсиз тизимлаштирилган тизимлар учун динамик модел орқали бошқарилаётган объектни бошланғич ҳолатдан берилган якуний ҳолатга ўтказиш тушунилади. Бу ҚҚҚШ томонидан босқичма-босқич оптимал қарорларни ҳосил қилиш орқали амалга оширилади. Шу мақсадда Беллман динамик дастурлаш усули асосида турли ахборот ҳолатлари учун оптимал қарор стратегиясини топиш учун турли кўринишдаги рекуррент тенгламалар амалга оширилган. Рекуррент тенгламаларни ечиш орқали берилган мезонлар асосида иқтисодий кўрсаткичларнинг оптимал қиймати топилади.

Кўпгина норавшан муҳитда бошқариш масалаларида у ёки бу муқобилни танлашда бошқариш таъсири норавшан сон билан баҳоланади. m муқобил мавжуд

² Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010. 30, 89-90p.

бўлса, m норавшан баҳо-сонлари ҳосил бўлади ва муқобиллардан бирини танлаш масаласи келиб чиқади. Бундай масалаларда баҳоси юқорироқ бўлган муқобилни танлашга келинади. Ҳозирги вақтда бу масалани ечишнинг бир қатор усуллари таклиф этилмоқда.

Агар $\mu = (\mu_1, \dots, \mu_n)$ тегишлилик функцияси берилган бўлса, у ҳолда қуйидаги кўринишдаги катталикларни қараш мумкин:

$$\{\mu_j / \sum_{s=1}^n \mu_s\}_{j=1}^n \text{ ва } \{f_{jk} / \sum_{s=1}^n f_{sk}\}_{j=1}^n$$

келтирилганлардан μ эҳтимоллик қийматларининг субъектив тақсимланиши тегишлилик функцияси ва $\varphi_k \in \Phi$ қарорга F - баҳолаш функционали.

Байес типдаги мезонни норавшан муҳитдаги $\varphi_{k0} \in \Phi$ оптимал қарорни қуйидаги шарт орқали топилади³

$$B(\mu, \varphi_{k0}) = \max_{\varphi_k \in \Phi} \sum_{j=1}^{n_j} p_j^i \left(\sum_{s=1}^m f_{jk}^s(a_r^{s-1}) \mu_s / \sum_{r=1}^m \mu_r \right).$$

Байес типдаги мезон учун $\{\varphi_{k_l}^l(a_r^{l-1})\}_{r=1}^{m_{l-1}}$ ҚҚҚ динамик жараёни оптимал стратегияси қуйидаги шарт асосида $l = N, N-1, \dots, 2, 1$ учун топилиши мумкин:

$$f_1(\varphi_{k_l}^l(a_r^{l-1}), a_r^{l-1}) = \min_{\varphi_k \in \Phi^l} f_l(\varphi_k^l, a_r^{l-1}),$$

бу ҳолатда $f_l(\varphi_k^l, a_r^{l-1})$ қиймат қуйидаги рекурент тенгламаларни каноатлантиради:

$$f_N(\varphi_{k_N}^N(a_r^{N-1}), a_r^{N-1}) = \min_{\varphi_k \in \Phi^N} B^N(\varphi_k^N | a_r^{N-1});$$

$$f_l(\varphi_{k_l}^l(a_r^{l-1}), a_r^{l-1}) = \min_{\varphi_k \in \Phi^l} [B^l(\varphi_k^l | a_r^{l-1}) +$$

$$\sum_{\eta}^{ml} f_{l+1}(\varphi_{k_{l+1}}^{l+1}(a_r^l), a_{rl}^l g_{rl}^l(a_r^{l-1}, \varphi_k^l))].$$

Бунда:

$$B^l(\varphi_k^l | a_r^{l-1}) = \sum_{j=1}^{n_j} p_j^l f_{jk}^l(a_r^{l-1}).$$

Вальд типдаги мезонни норавшан муҳитдаги $\varphi_{k0} \in \Phi$ оптимал қарорни қуйидаги шарт орқали топилади:

$$V(\mu, \varphi_{k0}) = \max_{\varphi_k \in \Phi} \min_{\theta_j \in \Theta} \sum_{s=1}^m f_{jk}^s \mu_s / \sum_{r=1}^m \mu_r.$$

Вальд мезони учун ҚҚҚ динамик жараёни оптимал стратегияси қуйидаги рекурент тенглама орқали топилади:

$$f_N^0(\varphi_{k_N}^N(a_r^{N-1}), a_r^{N-1}) = \min_{\varphi_k \in \Phi^N} \max_{j=1, \dots, n_N} f_{jk}^N(a_r^{N-1}),$$

³ Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010. 164-165 p.

$$f_i^0(\varphi_{k_i^0}^l(a_r^{l-1})) = \min_{\varphi_k^l \in \Phi^l} [\max_{j=1, \dots, n_l} f_{jk}^l(a_r^{l-1}) + \sum_{r_l=1}^{m_l} f_{l+1}^0(\varphi_{k_{l+1}^0}^{l+1}(a_{r_l}^l), a_{r_l}^l) g_{r_l}^l(a_r^{l-1}, \varphi_k^l)].$$

Шу қаторда норавшан тўплам тушунчалари асосида С муҳитнинг хатти-харакати модели шакллантирилди, уларни қўллаш $\{\Phi, A_0, F\}$ кўринишдаги ҚҚҚ ҳолатини шакллантириш имконини берди, бу ерда $A_0 - \mu_A$ тегишлилик функцияси билан аниқланувчи ва С муҳит ҳолатини Р эҳтимоллик билан тақсимланувчи норавшан тўплам ёки норавшан тасодифий ҳолат.

$\{\Phi, A_0, F\}$ ҚҚҚ ҳолатида $\varphi_{k_0} \in \Phi$ оптимал қарорни аниқ муҳитда ҚҚҚ мезонларини умумлаштириш орқали топиш масаласи шакллантирилди.

Келтирилган синфлаштиришга мувофиқ ҚҚҚ масаласи характеристикасининг бош хусусиятини ажратиш имконини берди – яъни ҚҚҚнинг охириги нуқтасини ҚҚҚШ (инсон) кўяр экан. Улар томонидан ҚҚҚ олдиндан тайёрланган йўриқлар муқобиллари асосида амалга оширилади. Бундай типдаги ҚҚҚнинг замонавий тизимларини қарор қабул қилишга кўмаклашувчи тизим (ҚҚҚКТ) деб аталувчи тизимларида барча ҳисоб-китоблар мумкин бўлган ҚҚҚ муқобилларини тайёрлашга йўналтирилган бўлади.

Бизнинг давримизда “тизимли” сўзи кенг маъно ва мазмунда қўлланилмоқда. Муҳандислик тизимларида систематехника ҳақида гапирилди, у тизимли таҳлил, лойиҳаларни тизимли бошқаруви ва бошқалар сифатида маълум. “Тизимли” сўзининг келиб чиқиши тизимлар назарияси ва кибернетиканинг умумий ғояларига тааллуқли.

Систематехника ёндашувларидан муаммони ҳал қилишнинг қуйидаги босқичлари ажратилади:⁴

- масалани ойдинлаштириш ва мақсадни танлаш;
- муқобилларни санаш ёки яратиш;
- муқобилларни таҳлил қилиш;
- энг мақбул бўлган қарорни танлаш;
- натижаларни ифодалаш.

Тизимни таҳлил қилиш ва жараёнларни тадқиқ қилиш ёндашувларида бешта мантиқий элемент ажратилади:

- мақсад ва мақсадлар жамланмасини ажратиш;
- мақсадга етишишнинг муқобил воситаларини ажратиш;
- ҳар бир тизимни ишлатиш учун ресурсларни аниқлаш;
- математик (жараёнларни тадқиқ қилиш ёндашувида) ёки мантиқий (кўпинча тизимлар таҳлили ёндашувида) модел курилади, яъни мақсадларнинг, уларни амалга оширишнинг муқобил воситалари, ўраб турган муҳит ва ресурслар боғлиқлиги асосланади;
- мақбул бўлган муқобилни танлаш мезонини аниқлаш.

Уюштиришда қарорларни шакллантириш жараёнида қуйидаги босқичларни

⁴ Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010. 84 p.

ажратиш мумкин:

- уюштириш мақсадларини аниқлаш;
- ушбу мақсадларга етишишдаги муаммоларни аниқлаш;
- муаммоларни тадқиқ қилиш ва диагноз қўйиш;
- муаммо ечимини қидириш;
- барча муқобилларни баҳолаш ва улардан энг маъқулини танлаш;
- уюштириш қарорларини мувофиқлаштириш;
- қарорларни тасдиқлаш;
- қарорларни амалга оширишга тайёрлаш;
- қарордан фойдаланган тарзда бошқариш;
- самарадорлигини текшириш.

Шундай қилиб, турли кўринишдаги муаммоларни ҳал қилишда тизимли ёндашув тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсири, қаралаётган муаммонинг мувофиқ мантикий қадамларини шакллантириш билан боғлиқ экан.

Жараёнларни тадқиқ қилиш ёндашувларини қўллашнинг бутун бир синфи мавжуд: математик дастурлаш, эҳтимолли, тўрли режалаштириш ва бошқалар. Тизимни таҳлил қилиш ёндашувчида биринчи галда таннарх – самарадорлик усули қўлланилади.

ҚҚҚ масалалари замонавий фаннинг охириги ўн йилликдаги энг долзарбларидан ҳисобланади. Маълумки, у ёки бу тизимнинг тўғри фаолият олиб борилаётганлиги натижаларини йиғиш, таҳлил қилиш, қайта ишлашни тўғри танлашда, шу билан бирга уларга тўғри бошқарув таъсирини ишлаб чиқишда ушбу тизим иши натижасида эришилиши мумкин.

ҚҚҚ ёки муқобилларни танлаш муаммоси – ҚҚҚШ тўқнаш келадиган масалалар синфига тааллуқлиларидан биридир. Математик усулларни замонавий ҳисоблаш усуллари билан уларнинг имкониятларини ошириб ва камайтириб баҳоламаган ҳолда ишлатилиш бу муаммоларни коррект ечишига хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. Алтернатив қарорлар қандай?
2. Қарор қабул қилиш масаласи ?
3. Замонавий ахборот тизимлари нималардан иборат ?
4. Қарорни амалга оширишни бошқариш босқичлари қанақа ?
5. Аниқ шароитда қарор қабул қилиш қандай амалга оширилади?
6. Фойдани аниқлаш усули нима?
7. Қарор қабул қилиш масалаларининг қандай синфлари мавжуд?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010.
2. Franz Eisenführ, Martin Weber Rationales Entscheiden, Springer-Verlag, 1993.

**2-мавзу: МАЪЛУМОТЛАР НОРАВШАН (FUZZY) ҲОЛАТДА
БЕРИЛГАНДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕЗОНЛАРИ. БЕРИЛГАН АНИҚ
МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИШДА ЮҚОРИДА КЕЛТИРИЛГАН УСУЛЛАРДАН
ҲОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. МАТЕМАТИКА СОҲАСИДА
ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ.**

РЕЖА:

- 2.1. Тизимли таҳлил назариясидаги амалий масалалар.
- 2.2. Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.
- 2.3. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан ҳойдаланиш ва унинг хусусиятлари.

Таянч иборалар: тизимли таҳлил, қарорларни қабул қилиш, fuzzy ҳолати, интеллектуал қайта ишлаш усули, Soft Computing.

2.1. Тизимли таҳлил назариясидаги амалий масалалари.

Норавшан тўплам ва муносабатлар тушунчасини киритиш тадқиқотнинг ушбу қисмда қарор қабул қилиш (ҚҚҚ) ҳолатини аниқлашнинг $\{\Phi, \Theta, F\}$ формал аниқлаш схемаси S муҳитнинг турли норавшан берилган хатти-ҳаракатлари моделини шакллантириш имконини берди.

1-модел. S муҳитнинг мумкин бўлган ҳолатли $\Theta = \{\theta_1, \dots, \theta_n\}$ тўлиқ тўпламнинг берилишидан ҳосил бўладиган $\hat{A}_\Theta = \{(\theta_j, \mu_j)\}_{\theta_j \in \Theta}$ норавшан тўплам қаралади, бу ерда μ тегишлилик функцияси Θ да $\mu(\theta) = \mu_j$ $\text{ё} \text{д} \theta = \theta_j$ ($j = 1, \dots, n$) кўриниш билан аниқланган.

Бундай \hat{A}_Θ норавшан тўпламнинг интерпретацияси сифатида Θ тўлиқ тўплам мумкин бўлган S муҳит ҳолатларини ажратишни Y - бошқарув идораси амалга оширади, кейин эса норавшан муносабатлар орқали тегишлилигини бериладиган $\mu(\theta)$ функция орқали A_Θ норавшан тўпламни аниқлашни амалга оширади.

Масалан, Θ дан $\Theta = \{0, 1, 2, \dots, 10\}$, A_Θ – бутун сонлар тўплами бештага яқин, яқинлик функцияси $\mu(\theta) = 1 / (1 + |\theta - 5|)$ билан берилган бўлсин. У ҳолда

$$\mu_0 = 1/6, \quad \mu_1 = 1/5, \quad \mu_3 = 1/3, \quad \mu_4 = 1/2, \quad \mu_5 = 1, \quad \mu_6 = 1/2, \quad \mu_7 = 1/3,$$

$\mu_8 = 1/4, \quad \mu_9 = 1/5, \quad \mu_{10} = 1/6$ бўлади. Шунини таъкидлаш лозимки, A тўпламни аниқловчи $\mu(\theta)$ тегишлилик функциясининг берилишида Y бошқарув идораси ўзи учун у ёки бу муҳим белгилар бўйича Θ тўплам элементларидаги субъектив миқдорий муносабатларни ўлчамга келтириш усулларидадан ҳойдаланади.

2-модел. S муҳитнинг мумкин бўлган ҳолатли $\Theta = \{\theta_1, \dots, \theta_n\}$ тўлиқ тўпламнинг ва $p = (p_1, \dots, p_n)$ тақсимланишнинг (бу ерда $\mu_A(\theta)$ тегишлилик

функцияси орқали $\theta \in \Theta$ элементнинг A_Θ га тегишлилик даражаси тушунилади) берилишидан ҳосил бўладиган $\dot{A}_\Theta = \{(\theta, \mu_A(\theta)) : P\{\theta = \theta_j\} = p_j (j = 1, \dots, n)\}$ норавшан тўлик тасодифий ходиса қаралади.

Бундай \dot{A}_Θ норавшан тўлик тасодифий ходисанинг $\{\Phi, A_\Theta, F\}$ ҚҚҚ ҳолатидаги интерпретацияси сифатида S муҳит ҳоатларини Y - бошқарув идораси Θ тўлик тўпламга тақсимлайди, кейин $\bar{\delta} = (\bar{\delta}_1, \dots, \bar{\delta}_n)$ вектори ёрдамида тасодифий тақсимлаш муҳитини ҳисоблайди, ундан кейин эса $\mu^0(\theta)$ тегишлилик функцияси асосида Θ аниқ тўплам $\{(\theta \mu^0(\theta))\}_{\theta \in \Theta}$ норавшан тўплам билан алмаштирилади, ва ниҳоят Y - бошқарув идораси S муҳит хатти-ҳаракати модели сифатида $\mu_A(\theta) = \mu_0(\theta)$ даги \dot{A}_Θ норавшан тўлик тасодифий ходисани қарайди. Қуйида учта асосий эҳтимоллик хусусиятига эга норавшан тўлик тасодифий ходисани келтирамиз:

$$E[A_\Theta] = \sum_{j=1}^n \mu_j p_j, \quad M[A_\Theta] = \frac{\sum_{j=1}^n \theta_j \mu_j p_j}{\sum_{j=1}^n \mu_j p_j}, \quad \sigma^2[A_\Theta] = \frac{\sum_{j=1}^n [\theta_j - M[A_\Theta]]^2 \mu_j p_j}{\sum_{j=1}^n \mu_j p_j}.$$

3-модел. S муҳитнинг мумкин бўлган ҳолатли $\Theta = \{\theta_1, \dots, \theta_n\}$ тўлик тўпламнинг берилишидан ва ушбу қисм тўпламларда $\bar{\delta} = (\bar{\delta}_1, \dots, \bar{\delta}_n)$ тақсимот ҳосил бўладиган $\dot{A}_\Theta = \{(\Theta_j, \mu_j), P(\theta \in \Theta) = \bar{p}_i (i = 1, \dots, \bar{n})\}$ норавшан тасодифий ходиса қаралади, бу ерда $\mu_i \theta \in \Theta_i$ да тегишлилик функцияси. Бундай \dot{A}_Θ норавшан тўлик тасодифий ходисанинг $\{\Phi, A_\Theta, F\}$ ҚҚҚ ҳолатидаги интерпретацияси сифатида S муҳит ҳоатларини Y - бошқарув идораси Θ тўлик тўпламни белгилайди, кейин Θ ни Θ_i қисм тўпламга ажратади, ундан кейин $\theta \in \Theta_j$ га \bar{p}_i эҳтимоллик билан тушади деб олади. Ва ниҳоят, Y - бошқарув идораси Θ аниқ тўпламни Θ_i аниқ тўпламлар бирлашмасига $\cup \Theta_i$, ёки $\{(\Theta_i, \mu_i)\}_{i=1}^n$ норавшан тўпламга алмаштиради, бунда S муҳит хатти-ҳаракати модели сифатида \dot{A}_Θ норавшан тасодифий ходиса келади.

Қуйида \dot{A}_Θ норавшан тасодифий ходисанинг асосий эҳтимоллик хусусиятларини келтирамиз:

$$P[A_\Theta] = \sum_{i=1}^{\bar{n}} \mu_i \bar{p}_i, \quad M[A_\Theta] = \frac{\sum_{i=1}^{\bar{n}} \mu_i \sum_{\theta_j \in \Theta_i} \theta_j p_j}{\sum_{i=1}^{\bar{n}} \mu_i \bar{p}_i}, \quad \sigma^2[A_\Theta] = \frac{\sum_{i=1}^{\bar{n}} \left[\sum_{\theta_j \in \Theta_i} \theta_j - M[A_\Theta] \right]^2 \mu_i \bar{p}_i}{\sum_{i=1}^{\bar{n}} \mu_i \bar{p}_i},$$

бу $p = (p_1, \dots, p_n)$ - S муҳитнинг Θ , а $\bar{p}_i = \sum_{\theta_j \in \Theta_i} p_j$ га тақсимланиш эҳтимоллиги.

4-модел. S муҳитнинг мумкин бўлган ҳолатли $\Theta = \{\theta_1, \dots, \theta_n\}$ тўлик тўпламнинг берилишидан ва $\mu_{s_A}(\theta_i, \theta_j)$ тегишлилик функцияси билан аниқланган

S_A нинг $\Theta \times \Theta$, га норавшан бинар муносабати ҳосил бўладиган $\dot{A}_\Theta = \{(\theta_i, \theta_j), \mu_{S_A}(\theta_i, \theta_j)\}_{i,j=1}^n$ норавшан тўплам қаралади. Норавшан бинар муносабат сифатида норавшан қисм тартиб, норавшан чизикли тартиб ва бошқа норавшан муносабатлардан фойдаланиш мумкин.

Келтирилган моделда бундай \dot{A}_Θ норавшан тўпламнинг интерпретацияси сифатида қуйидаги мисолни қараймиз. $\Theta = \theta_1, \dots, \theta_n$ ашёвий сонлар тўплами, S_A бинар муносабат ўзида (R^1) ашё ўқида \geq тартибдаги муносабатни ифодалайди. У ҳолда Y - бошқарув идораси биринчидан Θ тўплам таркибини ўрнатди, S_A , муносабатни танлади, S_A муносабатнинг бажарилишининг ҳаққонийлик даражасини белгилаш учун $\mu_{S_A}(\theta_i, \theta_j)$ функциясини аниқлади, кабиларга эга бўламиз. Натижада Y - бошқарув идораси S муҳит хатти-ҳаракати модели сифатида \dot{A}_Θ норавшан тўпламни олади.

5-модел. S муҳитнинг мумкин бўлган ҳолатли Θ тўлиқ тўпламнинг берилишидан ва ушбу қисм тўпламларда $\bar{\delta} = (\bar{\delta}_1, \dots, \bar{\delta}_n) \in \Theta$ га тақсимот ҳосил бўладиган ва μ_{S_A} тегишлилик функциясига эга S_A норавшан муносабатлар билан ҳосил қилинадиган $\dot{A}_\Theta = \{((\theta_i, \theta_j), \mu_{S_A}(\theta_i, \theta_j) : P\{\theta = \theta_j\} = p_j (j = 1, \dots, n))\}$ норавшан тасодифий ходиса қаралади. Бундай моделнинг интерпретацияси 4-моделдаги интерпретацияни ҳисобга олган ҳолда 2-моделдаги сифатида амалга оширилади.

Бу ерда S муҳитнинг $\{\Phi, A_\Theta, F\}$ ҳолат бўйича норавшан хатти-ҳаракатларини норавшан тўпламлар назарияси асосида оддий кўринишдаги моделлардан фойдаланилган ҳолда қисқача шакллантирилишлари келтирилиб ўтилган.

Бу ерда норавшан моделларнинг берилишида Φ қарорларнинг берилиши ва F баҳолаш функционали қаралмаган, чунки Y - бошқарув идораси ўзининг қарорларида мумкин бўлган Θ тўлиқ тўплами ва F баҳолаш функционалини шакллантириб олиш имкониятига эга, деб қаралади. Шу қаторда таъкидлаш лозимки, ноаниқ деб фақат S муҳитнинг хатти -ҳаракати қаралади.

Охириги вақтларда тадқиқотчилар томонидан ҚҚҚ моделини мақсад норавшанликлар ва танланаётган қарорларда чекланишлар мавжудлиги учун қуришга уринишлар мавжуд. Мақсад маълум бир даражадаги режалаштирилаётган ҚҚҚ натижасига эришилиши кўринишида шакллантирилиши мумкин, чегаралашлар сифатида қабул қилинган қарорни амалга оширилишидаги харажатлар белгиланган миқдордан ошиб кетмаслиги лозим.

2.2. Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари .

Кучсиз тизимлаштирилган масалаларда бошланғич маълумотларни (маълумотлар, параметрлар, коэффицентлар) интеллектуал қайта ишлаш усул ва моделларини уларни норавшан-тўпламли кўринишда ифодалаш учун ишлаб чиқиш. Замонавий инфо-коммуникацион технологияларини ўз ичига олувчи мураккаб тизим ва жараёнларнинг катта синфи интеграллашувчанлиги, кўп даражалилиги, тақсимланганлиги ва кўп жиҳатлилиги билан характерланади. Бундай тизимларни лойиҳалаш уларнинг ташкилий – тузулмавий хусусиятини баҳолаш ҳамда унда кечаётган жараёнларни бошқариш ахборот, функционал – процедура, параметрик ва мезонлари ҳолатларида ноаниқликнинг турли типлари иштирок этади. Хусусан, бундай ноаниқликларга бошланғич маълумотларда мавжуд бўладиган тўлиқмаслик, аниқмаслик ва лингвистик норавонлик билан характерланадиган норавшан (мужмал) ноаниқликлар, буюртмачи ва ишлаб чиқувчи мезон ва критериялари, объект вариантлари ва уларнинг ҳолати муқобилларини ифодалаш ва баҳолаш киритилади. Бир нечта мезонлар асосида оптимал вариантни, қарор қабул қилувчи шахс (ҚҚШ) устуворни танлаши жараёнида ҳисобга олишнинг зарурлиги ноаниқликнинг шартларидан бири ҳисобланади. Бу билан объектларни таҳлил қилишда вариантлар (муқобиллар)ни ифодалаш ва баҳолаш, тизимлаштирилмаган ёки кучсиз тизимлаштирилган номини олган ҚҚҚнинг махсус синфига кирувчи норавшан ноаниқлик шароитида энг мақбул вариантни танлаш бўйича қарорлар қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асослади. Бундай масалаларда қабул қилинаётган қарор муқобиллари қарорларни амалга ошириш самарадорлиги кўрсаткичини у ёки бу қарор оқибатларидан келиб чиққан ҳолда юмшоқ баҳолаш ва талофат хатари қийматлари орқали баҳоланади. Бундай масалаларни ечишнинг назарий-услубий аппарати сифатида интеллектуал ахборот технологиясининг воситаси ҳисобланган "Soft Computing" – "Юмшоқ ҳисоблаш" ёрдамида амалга оширилади.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида муқобилларни ифодалаш ва баҳолаш, қолаверса, норавшан ноаниқлик шароитида кучсиз тизимлаштирилган ҚҚҚ моделларини куришда норавшан-тўпламли ёндашув қараб ўтилган.

Қаралаётган масалада фойдаланилаётган асосий тушунчаларни киритиб ўтамыз.

Аниқлик шароитида ҚҚҚ масаласини формал қўйилиши:

$X = \{x_1, x_2, \dots, x_m\}$ муқобиллар тўплами (қарорлар, ҳаракатлар),
 $Y = \{y_1, y_2, \dots, y_m\}$ муқобиллар оқибати ҳамда уларнинг $W = \{w_1, w_2, \dots, w_m\}$ самарадорлик кўрсаткичи берилган бўлсин. Бу ерда $f : X \rightarrow Y, \phi : Y \rightarrow W$ акслантириш ва улардан келиб чиқувчи f ва ϕ нинг суперпозицияси $\psi : X \rightarrow Y = f \cdot \phi$ бўлсин⁵.

Реал муқобиллар ва уларнинг оқибатлари шароитларида бир нечта $\varphi_k : Y \rightarrow W, k = 1, \dots, l$ самарадорлик кўрсаткичи билан баҳоланади. φ_k мезоннинг

⁵ Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010. 273 p.

хусусий кўрсаткичлари аксарият ҳолларда қарама-қарши ва носоз бўлади. Бундай бошланғич шартларда w_i самарадорлик қиймати ва уларга мос келувчи y_i оқибатларни таъминловчи мумкин бўлган муқобилнинг x_{i0} энг яхши вариантыни танлаш талаб этилади, яъни:

$$x_{i0} = \arg \text{extr} w_i, x_i \in X, y_i \in Y,$$

(extrwнг яхши сифатида интерпретацияланади).

Ҳолатлар мақсадлари, мезонлари, моделлари, ечим усуллари ноаниқлиги шароитида $x_i \in X$ ни танлаш ҚҚнинг тизимлаштирилмаган ёки кучсиз тизимлаштирилган масаласи ҳисобланади.

Ноаниқлик шароитида (норавшан муҳитда) мос муқобилларни амалга ошириш натижасида таҳлил қилинаётган объект муаммовий ҳолатлари вариантларини ифодалаш ва танлаш учун, шу билан бирга, улардан кучсиз тизимлаштирилган қарорларни қабул қилиш (КТҚҚҚ) масаласини берилган энг мақбул самарадорлик мезонлар асосида энг мақбулини танлаш кўп мезонли ҚҚҚ моделини қуйидаги кўринишда ифодалашимиз мумкин:

$$\langle T, D, W, \Theta(X), P, \Phi, F \rangle, \quad (1)$$

Бунда T – мақсад функцияси ва чекланишлар билан аниқланучи ҚҚҚ масаласи типи; $D = \{d_1, d_2, \dots, d_m\}$ – ечим муқобиллари тўплами; $W = W(q(d), c(d), t(d)) = \{w_{ji}\}$ – D муқобил оқибатларнинг турли даражадаги самарадорлик баҳоси вектори, масалан, $q(d)$ - фойдалилик самараси билан, $c(d)$ - энергия сарфи билан ва $t(d)$ - вақт сарфи билан; $\Theta(X)$ -тадқиқ қилинаётган объектни ифодаловчи X параметр ҳолатлар (оқибатлар) тўплами; P – оқибатларнинг содир бўлиши тақсимланган эҳтимоллиги; Φ – ҚҚҚШ танловлари тизими; F – муқобилларни шакллантириш қоидаси.

Норавшан муҳит шароитида ҳар бир муқобил норавшан баҳоларга эга бўлган бир нечта оқибатларга мос келиши мумкин. $w_{ji} \in W$ кўринишидаги D муқобиллар оқибати самарадорлик кўрсаткичи ўзида бир нечта хусусий кўрсаткичларни бирлаштиради. Муқобилларнинг самарадорлигини баҳолашнинг аниқ қийматлари ўша муқобилларнинг қийматлари сифатида ҳам, муаммовий ҳолат қийматлари каби ҳам аниқланади. Шунинг учун $d_i \in D$ муқобиллар $\theta_j \in \Theta$ оқибатларининг $w_{ji} \in W$ баҳолари $W = \|w_{ji} = w(\theta_j, d_i)\|$ матрица билан қуйидаги кўринишда ифодаланади:⁶

$$\begin{array}{cccccc} & d_1 & \dots & d_i & \dots & d_m \\ \theta_1 & w_{11} & \dots & w_{1i} & \dots & w_{1m} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ \theta_j & w_{j1} & \dots & w_{ji} & \dots & w_{jm} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ \theta_n & w_{n1} & \dots & w_{ni} & \dots & w_{nm} \end{array} \quad (2)$$

⁶ Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010. 35 p.

(2) матрица КТҚҚҚ ҳолатининг кенгайтирилган кўринишини ифодалайди. Бу ҳолатда (1) модел жамланма кўринишида ифодаланади:

$$\{D, W, A_{\Theta}\}, \quad (3)$$

бунда: $D = \{d_1, \dots, d_i, \dots, d_m\}$ – ечимлар (муқобиллар) тўплами; $\Theta = \{\theta_1, \dots, \theta_n\}$ – $d_i \in D$ муқобилларни амалга ошириш орқали муаммовий ҳолатнинг ўтиши мумкин бўлган ҳолатлар (оқибатлар) қиймати тўплами; $W = \{w_{ji}\}$ – $\Theta \times D$ да аниқланган ва $w_{ji} = w(\theta_j, d_i)$ элементлари R^1 дан қиймат қабул қилувчи баҳолаш функционали матрицаси; $A_{\Theta} - [0,1]$ оралиқда аниқланувчи w_{ji} элемент қийматли $\mu_{ji} = \mu_{A_{\Theta}}(w_{ji})$ акслантириш билан берилувчи $\Theta \times D$ элементлардаги $A = \{w_{ji}\}$ баҳоларнинг норавшан тўплами, яъни $A_{\Theta} d_i$ ни амалга ошириш натижасида рўй берган $\theta_j \in \Theta$ муаммовий шароит ҳолатларини самарадорлик кўрсаткичларининг норавшан баҳоси жамланмасини акс эттиради.

Самарадорлик кўрсаткичларини норавшан сонлар кўринишида берилади: “ n га яқин”, “ n дан бироз кичик” ва шу кабилар. Бир қатор ҳолатларда бир нечта оддий боғланган мантикий боғламлардан фойдаланиш ҳам мумкин: ВА, ЁКИ, ЙЎҚ. Норавшан сонлар “қуйи”, “юқори”, “ўрта” ва ҳ.к. кўринишдаги сифат баҳолари билан акслантирилади. Бундай баҳоларнинг сонлари фойдаланилаётган баҳолаш (икки даражали, уч даражали, беш даражали ва ҳ.к.) ўлчамлари (улар ўз навбатида танланган муқобиллар, предмет соҳа хусусиятлари, мезон типлари ва самарадорлик кўрсаткичлари билан аниқланади). Бундай баҳо – норавшан сон қийматлари жамланмаси (бу ерда m – фойдаланилаётган ўлчам даражалари сони, улар аксарият ҳолларда муқобиллар сонига тенг берилади). Бу термаларнинг ҳар бири норавшан тўплам кўринишида ифодаланади:

$$A_i = \mu_{A_i}(x_k) / x_k,$$

бунда $x_k \in X, k = 1, 2, \dots, K$ - $w_{ji} \in W$ самарадорлик кўрсаткичи норавшан баҳосини ($A_i \subset A$ термнинг) акс эттирувчи X ўзак тўплам элементлари; $\mu_{A_i}(x_k)$ - $A_i \subset A$ термга $x_k \in X$ элементнинг тегишлилик функцияси.

Берилган $\{D, W, A_{\Theta}\}$ ҳолатда норавшан муҳитда кўп мақсадли ҚҚҚ муммоси танланган мезон бўйича ҚҚҚШ томонидан энг маъқул қарорни танлашига келади.

Юқорида келтирилган (1)–(3) модел элементларини аниқлашларидан умумий кўринишда КТҚҚҚ масаласини қуйидаги кўринишда шакллантириб олишимиз мумкин.

Берилган: $D = \{d_i\}$ муқобиллар тўплами, $\Theta = \{\theta_j\}$ муҳит (оқибат) ҳолати ва уларнинг $W(\Theta, D) = \{w_{ji} = w(\theta_j, d_i)\} (j = \overline{1, n}, i = \overline{1, m})$ самарадорлик кўрсаткичи; $w_{ji} = w(\theta_j, d_i)$ баҳоларнинг A_{Θ} норавшан тўплами; P – ҳар бир муқобил учун мумкин бўлган $\Theta = \{\theta_j\}$ оқибатларнинг юз бериш эҳтимоллилиги; Φ – ҚҚҚШ танловлари тизими; F – муқобилларни шакллантириш қоидалари.

Талаб қилинади: энг яхши вариантни танлаш

$$d_{i_0} = \arg \text{extr}(w_{ji} = w(\theta_j, d_i)), d_i \in D, \theta_j \in \Theta. \quad (4)$$

Бу ерда *extr* қиймати остида танланган мезонларни ҳам ҚҚҚШ танловларининг энг катта даражада каноатлантирувчи энг яхши миқдор. Шу қаторда ҚҚҚШ $\max\{w(\theta_j, d_i)\}, d_i \in D, \theta_j \in \Theta$ шартдан келиб чиққан ҳолда энг яхши муқобилни танласа, у ҳолда W баҳолаш функционали мусбат қўшимчага эга бўлади. Акс ҳолда, қўшимча манфий бўлади. Баҳолаш функционали учун мусбат қўшимча фойдалилик, ютуқ, самарадорлик, мақсад ходисаларига етишиш эҳтимоли ва ҳ.к. кўрсаткичларини ифодалайди, манфий қўшимча йўқотиш, талофат, ютказиш, афсусланиш ва ҳ.к.ларни ифодалайди.

Қабул қилинаётган қарор самарадорлиги кўрсаткичи ва муҳит ҳолатлари миқдорий кўрсаткичлар билан бир қаторда сифат (норавшан) кўринишда берилиши ҳам мумкин. $w_{ji} = w(\theta_j, d_i) \in W(\Theta, D)$ нинг энг маъқул қийматларини топишнинг алоҳида кўринишли мезонларини ҳисобга олгандаги мақсад функция элементларининг аниқ кўриниши КТҚҚҚ масаласини кўп кўринишлилигига олиб келади, яъни мақсадларнинг, мезонларнинг, ҳолат моделларининг ва ечиш усулларининг норавшан ноаниқлаклиги ҳолатида. Шу қаторда айтиб ўтилган КТҚҚҚ масаласининг қўйилишидаги бошланғич шартларда норавшан муҳитда куйидаги истисноларни эътиборга олиш лозим:

1. Объектни (жараённи) жорий $\theta_j \in \Theta, j = \overline{1, n}$ ҳолатдан талаб қилинаётган $D = \{d_i\}, i = \overline{1, m}$ кўринишда якуний фиксирланувчи ҳолатга ўтказиш имконини берувчи муқобиллар тўплами.

2. Ихтиёрий $d_i \in D, i = \overline{1, m}$ муқобилларни амалга оширилиши натижасида объект (жараён) мумкин бўлган ҳолатлар (ходисалар) тўпламидагилардан бири кўринишига ўтади, яъни мумкин бўлган муқобиллар оқибатлари $\Theta = \{\theta_j\}, j = \overline{1, n}$ кўринишдаги якуний ва фиксирланган каби берилиши ҳам мумкин.

3. Қаралаётган предмет соҳи бўйича эксперт ҳулосалари асосида $\theta_j \in \Theta (j = \overline{1, n})$ оқибатни юз бериши эҳтимолининг аксиологик қийматлари тўплами шакллантирилади ва у $\bar{P} = \|\bar{p}_{ji}\|, j = \overline{1, n}, i = \overline{1, m}$ матрица кўринишида берилади.

4. Мос муқобиллар бўйича таҳлил қилинаётган оқибатларнинг $w_{ji} = w(\theta_j, d_i)$ самарадорлик кўрсаткичи баҳо қийматлари тўплами қилинадиган ҳисоб-китоблар асосида олдиндан шакллантирилади. Бундай кўринишдаги моделлар ва ифодаларни куришнинг имконияти йўқ ва (ёки) мумкин бўлмаса, қидирилаётган тўплам самарадорлик кўрсаткичларининг мумкин бўлган баҳоларини предмет соҳа бўйича эксперт ҳулосалари бўйича терм-тўпламга мос келувчи лингвистик ўзгарувчилари орқали шакллантирилади.

2.3. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари.

КТҚҚҚ жараёни оддий моделларида оптимал стратегияни топиш учун рекуррент тенгламалар чиқариш. Бошқарилаётган объектнинг бошланғич ҳолатдан якуний ҳолатлар тўпламига ўтиши вақтга чеклашларда ноаниқлик

шароитида динамик N – қадамли ҚҚҚ жараёни қаралади. Масаланинг бундай кўйилиши динамик дастурлашда чеклашларни ҳисобга олишнинг анъанавий усулларида бошқа кўринишдаги усуллардан фойдаланишни талаб этади. Кучсиз тизимлаштирилган динамик ҚҚҚнинг оддий моделида оптимал стратегияни топиш учун рекуррент тенгламалар олинган.

О бошқарилувчи объектнинг ва S муҳитда бошқариш идораси фаоллиги жараёни N – қадамли ҚҚҚ динамик жараёни қаралади. Шу каторда ҳар бир l ($l = 1, \dots, N$) қадамда Y бошқарув идораси учун қуйидагилар маълум деб фараз қилинади:

1) О объектнинг олдинги ($l - 1$) ихтиёрий ҳолатидан ўтиши мумкин бўлган

$A^l = \{a_1^l, \dots, a_{m_l}^l\}$ О объектнинг мумкин бўлган ҳолатлари тўплами;

2) Y бошқарув идораси қабул қилиши мумкин бўлган $\Phi^l = \{\varphi_1^l, \dots, \varphi_{m_l}^l\}$

қарорлари тўплами, бу ерда φ_k^l ни Y бошқарув идораси О объектни l -м A_k^l ҳолатга ўтказилиши тушунилади, 1- босқичда Y бошқарув идораси Φ^l тўпландан битта қарорни қабул қилиши мумкин;

3) S муҳитнинг мумкин бўлган $\Theta^l = \{\theta_1^l, \dots, \theta_{n_l}^l\}$ ҳолати;

4) Θ тўпландаги S муҳит эҳтимоллигининг $p^l = \{p_1^l, \dots, p_{n_l}^l\}$ априор тақсимланиши;

5) олдинги босқичдаги барча $a_v^{l-1} \in A^{l-1}$ мумкин бўлган ҳолатлар учун F баҳолаш функционали қиймати $\{f_{jk}^l(a_v^{l-1})\}_{j,k=1}^{n_l, m_l}$ матрицаси (бундай матрицалар миқдори m_{l-1});

6) О объектнинг l -м босқичда $a_v^{l-1} \in A^{l-1}$ ҳолатдан $a_i^l \in A^l$ ҳолатга ўтишидаги тақсимлаш эҳтимоллиги шarti:

$$g_i^l(a_v^{l-1}, \varphi_k^l) = P(a_v^{l-1} \xrightarrow{\varphi_k^l} a_i^l)$$

l -м босқичда қуйидаги шарт бўйича $\varphi_k^l \in \Phi^l$ қарор қабул қилинади:

$$\sum_{i=1}^{m_l} g_i^l(a_v^{l-1}, \varphi_k^l) = 1 \quad \forall v, k;$$

7) барча мумкин бўлган $a_v^{l-1} \in A^{l-1}$ ҳолатлар учун $\{f_{jk}^l(a_v^{l-1})\}_{j,k=1}^{n_l, m_l}$ ўтиш матрицаси

$$t_{jk}^l(a_v^{l-1}) = t(a_v^{l-1} \xrightarrow{\varphi_k^l} a_k^l | \theta_j^l) \text{ (бундай матрицалар миқдори } m_{l-1});$$

8) О объект ва S муҳит бўйича J^0, J^c характеристик ахборот манбаси.

Динамик ҚҚҚ жараёни мақсади бошқарилаётган О объектнинг берилган бошланғич a^0 ҳолатидан якуний a^N (ёки A^N тўпландан якуний ҳолатлар қисм тўплами) ҳолатга Y бошқарув идораси ёрдамида моделда берилган ва объект ва муҳит ҳақидаги ахборотлар манбалари асосида ўтказиш тушунилади.

Қаралаётган динамик ҚҚҚ жараёнида объект бўйича J^0 ва J^c ахборот манбаси сифатида О объектнинг $l = 1, \dots, N$ босқич ҳолатларида бошқаришни аниқлаш

тушунилади. Унда объект Y бошқарув органи томонидан $\varphi^l \in \Phi^l$ қарор ижроси ўтказилгандан кейин ва S муҳит ҳолати ўрганилгандан кейин ўтган ҳолати қаралади.

Ушбу масалада объект бўйича ахборот манбаси ишончли деб қаралган, яъни l - бочқичда ($l = 1, \dots, N$) $\varphi^l \in \Phi^l$ қарор бажарилганидан сўнг O объект ўтган $a^l \in A^l$ аниқ ҳолат аниқланади, муҳит ҳолати ҳақидаги маълумот мавжуд бўлмайди.

Бошқарилаётган O объект бўйича ахборот мавжуд эмас, деб фараз қилайлик. У ҳолда l - бочқичда ($l = 1, \dots, N$) қарор танлашда аввалги $(l - 1)$ - босқич a_v^{l-1} объект ҳолати номаълум бўлиб қолади. Масалани ечишда Байес мезони ва баҳолаш функционалининг Байес функционали математик кутилмаси учун рекуррент тенгламалардан фойдаланамиз.

Қандайдир ечим берилган бўлсин

$$\varphi = (\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l) \in \Phi = \{\Phi^1, \dots, \Phi^l, \Phi^{l+1}, \dots, \Phi^N\}$$

у ҳолда $1, 2, \dots, l$ босқичлардаги Байес баҳолаш функционали қийматининг математик кутилмаси қуйидагига тенг бўлади:

$$U(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l) = \sum_{s=1}^l \sum_{\{a_v^{s-1}\}_{v=1}^{m_{s-1}}} M B^s(\varphi_{k_s}^s | a_v^{s-1})$$

$\varphi_{k_l}^l \in \Phi^l$ ечим учун $1, 2, \dots, (l - 1)$ -м босқичларда $(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{l-1}}^{l-1})$ ечимни ва $(l + 1)$ -м, ... , N - босқичларда оптимал ечимни $f_l(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l)$ - Байес баҳолаш функционали қийматининг математик кутилмаси йиғиндиси учун қўллаш қуйидагига тенг:

$$f_l(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l) = f_{l+1}(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l, \varphi_{k_{l+1}}^{l+1}) + \sum_{v=1}^{m_{l-1}} B^l(\varphi_{k_l}^l | a_v^{l-1}) \mathfrak{R}(a_v^{l-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{l-1}}^{l-1}),$$

бунда $B^l(\varphi_{k_l}^l | a_v^{l-1}) = \sum_{j=1}^{n_l} p_j^l f_{jk_l}^l(a_v^{l-1})$ — Байес баҳолаш функционали

қиймати; $f_N(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N)$ — $\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}$ ни $\varphi_{k_N}^N \in \Phi^N$ ечимлар тўплами Байес баҳолаш функционали қийматининг математик кутилмаси:

$$f_N(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N) = \sum_{v=1}^{m_{N-1}} B^N(\varphi_{k_N}^N | a_v^{N-1}) \mathfrak{R}(a_v^{N-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}).$$

Бу ерда:

$$B^l(\varphi_{k_j}^l, a_r^{l-1}) = \sum_{j=1}^{n_l} p_j^l f_{jk}^l(a_r^{l-1}),$$

$$f_{jk}^i(a_r^{i-1}) = \sum_{s=1}^k \mu_{jk}^s f_{jk}^{i_s}(a_r^{i-1}) / \sum_{j=1}^n \mu_j,$$

$$\mu_j = \sum_{s=1}^k \mu_{ji}^s.$$

Охириги N - босқичдан бошланиб ва l - босқичда тугаб топиладиган ечим (объект бўйича ахборот манбасининг мавжуд бўлмаган ҳолатида) куйидаги кўринишда $\varphi^0 = (\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N)$ ечим Байес мезони бўйича оптимал дейилади.

N -босқич учун $\varphi_{k_0}^{N^0} = (\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}) \in \Phi_0^N$ оптимал ечимлар стратегияси барча $(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}) \in \{\Phi^1, \dots, \Phi^{N-1}\}$ ечимлар комбинацияси учун куйидаги шарт орқали топилади:

$$\begin{aligned} f_l(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}, \varphi_{k_N}^N) &= \\ &= \min_{\substack{\varphi_{k_N}^N \in \Phi^N \\ T_N(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N) \text{ заод}}} \sum_{v=1}^{m_{N-1}} B^N(\varphi_{k_N}^N | a_v^{N-1}) \mathfrak{R}(a_v^{N-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}) \end{aligned}$$

Ихтиёрий l -босқич ($l = N-1, \dots, 1$) учун $\varphi_{k_l}^l = (\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{l-1}}^{l-1})$ оптимал стратегия. Барча $(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^{l-1}) \in \{\Phi^1, \dots, \Phi^{l-1}\}$ мумкин бўлган ечимлар комбинацияси куйидаги шарт орқали топилади:

$$\begin{aligned} f_l(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{l-1}}^{l-1}, \varphi_{k_l}^l) &= \min_{\substack{\varphi_{k_l}^l \in \Phi^l \\ T_l(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l | \varphi_{k_{l+1}}^{l+1}, \dots, \varphi_{k_N}^N) \text{ заод}}} \left[f_{l+1}(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{l-1}}^{l-1}, \varphi_{k_{l+1}}^{l+1}) + \right. \\ &\left. + \sum_{v=1}^{m_{N-1}} B^N(\varphi_{k_N}^N | a_v^{N-1}) \mathfrak{R}(a_v^{N-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}) \right] \end{aligned}$$

бунда $T_N = (\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N)$ — $\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N$ қарорни ишлатиш орқали объектнинг бошланғич ҳолатдан бирор якуний ҳолатга ўтиш вақтининг математик кутилмаси; $T_l = (\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l | \varphi_{k_{l+1}}^{l+1}, \dots, \varphi_{k_N}^N)$ — a^0 ҳолатни a^N ҳолатга 1, 2, ..., l босқичларда $\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l$ ечимларни, кейинги $(l + 1), \dots, N$ босқичларда $\varphi_{k_{l+1}}^{l+1}, \dots, \varphi_{k_N}^N$ оптимал ечимларни қўллаган ҳолда ўтишининг математик кутилмаси.

Байес мезони бўйича биринчи босқичда оптимал стратегия битта $\varphi_{k_1}^1$ ечимдан иборат бўлади. Шунинг учун Байес мезони бўйича $\varphi^0 = (\varphi_0^1, \dots, \varphi_0^N)$ оптимал ечим $\varphi_0^1 = \varphi_{k_1}^1$, $\varphi_0^2 = \varphi_{k_2}^2(\varphi_{k_1}^1)$, ..., $\varphi_0^N = \varphi_{k_N}^N(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1})$ кўринишда топилади.

Энди a^0 дан a^N ҳолатлар тўпламидан биттасига ўтиши вақтининг математик кутилмаси қиймати учун рекуррент тенглама чиқаришга ўтилса бўлади, яъни:

$$T_N(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N) = t(a^0 \rightarrow A^N) = \\ = t(a^0 \rightarrow A^1) + t(A^1 \rightarrow A^2) + \dots + t(A^{N-1} \rightarrow A^N),$$

бунда $t(a^0 \rightarrow A^N)$ - объектнинг a^0 дан A^N га $\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N$ ечимни қўллаган

ҳолда ўтиш вақти математик кутилмаси; $t(A^i \rightarrow A^{i+1})$ - объектнинг $i = 0, \dots, N-1$ да A^i дан A^{i+1} га ўтиш вақти математик кутилмаси.

Олдинги фикрлардан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга эга бўламиз:

$$T_N(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_N}^N) = \sum_{j=1}^{n_1} p_j^2 t_{jk_2}^2(a_v^1) \mathfrak{R}(a_v^1 | \varphi_{k_1}^1) + \\ + \sum_{\nu=1}^{m_2} \sum_{j=1}^{n_3} p_j^3 t_{jk_3}^3(a_v^2) \mathfrak{R}(a_v^2 | \varphi_{k_1}^1, \varphi_{k_2}^2) + \dots + \\ + \sum_{\nu=1}^{m_{N-1}} \sum_{j=1}^{n_N} p_j^N t_{jk_N}^N(a_v^{N-1}) \mathfrak{R}(a_v^{N-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}) = \\ = \sum_{q=1}^N \sum_{\nu=1}^{m_{q-1}} \sum_{j=1}^{n_q} p_j^q t_{jk_q}^q(a_v^{q-1}) \mathfrak{R}(a_v^{q-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{q-1}}^{q-1}).$$

(N-1) – босқич учун қуйидагини топамиз:

$$T_{N-1}(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}, \varphi_{k_N}^N) = t(a^0 \rightarrow A^{N-1}) + t(A^{N-1} \rightarrow A^N),$$

бунда $t(A^{N-1} \rightarrow A^N)$ - $\varphi_{k_N}^N$ оптимал ечимни қўллаган ҳолда A^{N-1} ни A^N га ўтиши

вақтининг математик кутилмаси.

У ҳолда қуйидагини оламиз:

$$T_{N-1}(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}, \varphi_{k_N}^N) = \\ = \sum_{q=1}^{N-1} \sum_{\nu=1}^{m_{q-1}} \sum_{j=1}^{n_q} p_j^q t_{jk_q}^q(a_v^{q-1}) \mathfrak{R}(a_v^{q-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{q-1}}^{q-1}) + \\ + \sum_{\nu=1}^{m_{N-1}} \sum_{j=1}^{n_N} p_j^N t_{jk_N}^N(a_v^{N-1}) \mathfrak{R}(a_v^{N-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{N-1}}^{N-1}).$$

l – босқичда қуйидагига эга бўламиз:

$$T_l(\varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_l}^l | \varphi_{k_{l+1}}^{l+1}, \dots, \varphi_{k_N}^N) = t(a^0 \rightarrow A^l) + t(A^l \rightarrow A^N) = \\ = \sum_{q=1}^l \sum_{\nu=1}^{m_{q-1}} \sum_{j=1}^{n_q} p_j^q t_{jk_q}^q(a_v^{q-1}) \mathfrak{R}(a_v^{q-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{q-1}}^{q-1}) + \\ + \sum_{q=l+1}^N \sum_{\nu=1}^{m_{N-1}} \sum_{j=1}^{n_N} p_j^q t_{jk_q}^q(a_v^{q-1}) \times \mathfrak{R}(a_v^{q-1} | \varphi_{k_1}^1, \dots, \varphi_{k_{l+1}}^{l+1}, \dots, \varphi_{k_q}^q).$$

Шундан сўнг юқорида кўрсатилганидек, $\varphi^0 = (\varphi_0^1, \dots, \varphi_0^N)$ оптимал ечимни

аниқлашга ўтилса бўлади.

Объект ҳақидаги ахборотнинг абсолют ишончилиги ҳолатидаги сингари ахборот манбасининг мавжуд эмаслиги ва вақт чекланишида динамик ҚҚҚ жараёнини тенгсизлик кўринишида берилган ҳоли учун қараб ўтамиз. Рекуррент тенгламалар ахборотнинг абсолют ишончилигидаги сингари кўринишга эга бўлади, оптимал стратегияни топиш ($l = N-1, \dots, 2, 1$) орқали топилади.

Назорат саволлари:

1. Тизимли таҳлил назариясидаги амалий масалаларига мисоллар келтиринг.
2. Маълумотлар норавшан (fuzzy) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонларини ёритинг.
3. Берилган аниқ масалаларни ечишда юқорида келтирилган усуллардан фойдаланиш ва унинг хусусиятлари.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Eisenführ, Franz, Weber, Martin, Langer, Thomas Rational Decision Making. Springer-Verlag Berlin Heidelberg. 2010.
2. Franz Eisenführ, Martin Weber Rationales Entscheiden, Springer-Verlag, 1993.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1 – амалий машғулот:

**Маълумотлар аниқ берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.
Маълумотлар таваккал (риск) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонлари.**

Ишдан мақсад: Маълумотлар аниқ берилганда ва таваккал (риск) ҳолатда берилганда қарор қабул қилиш мезонларини яратиш кўникмаларига эга бўлиш.

Ушбу амалий иш давомида қуйидагиларни **бажариш лозим:**

- Java development kit (JDK) ни ўрнатиш,
- Android SDK (Software Development Kit) ни ўрнатиш,
- Eclipse IDE ни ўрнатиш,
- Android development tools (ADT) eclipse учун plugin ни ўрнатиш,
- Android virtual машинасини (AVD) ўрнатиш,
- Аниқлик шароитида қарор қабул қилиш моделини ишлаб чиқиш,
- Таваккал шароитида(шароит эҳтимоли ҳақида маълумот бор) қарор қабул қилиш моделини ишлаб чиқиш,
- Ноаниқлик шароитида (шароит ҳақида умуман маълумот йўқ) қарор қабул қилиш моделини ишлаб чиқиш.

Ишни бажариш учун намуна.

Аниқлик ҳолатида ҚҚҚ қоидалари.

Максимакс қоидаси.

* Максимакс қоидасига кўра энг юқори ютуқларга келтирувчи стратегиялардан энг юқори ютуққа келтирувчиси танланади.

* Бу қоидани амалда омадга ниҳоятда ишонувчи, эҳтиётсиз, қарор қабул қилувчи шахслар (ашаддий оптимистлар) қўллайди.

Максимакс қоидаси (мисол)

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар			Энг юқори ютуқлар
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда	
Хусусий тижорат б-ча мутахассисларни ишга олиш	600	400	2000	2000
Иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш	200	200	200	200

Энг паст ютуқларга (яъни -600 ва 200 га) келтирувчи стратегиялардан энг юқори ютуққа (яъни 200 га) келтирувчиси танланади.

Хулоса: Иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш керак.

Вальднинг максимин қоидаси.

* Вальд қоидасига кўра энг паст ютуқларга келтирувчи стратегиялардан энг юқори ютуққа келтирувчиси танланади.

* Минимал ёки кафолатланган ютуқни максималлаштириш назарда тутилади; кафолатланган ютуқни максималлаштириш деса ҳам бўлади.

* Бу қоидани амалда эҳтиёткор қарор қабул қилувчи шахслар (пессимистлар) қўллайди.

Минимакс қоидаси

* Минимакс қоидасига кўра энг юқори ютуқларга келтирувчи стратегиялардан энг паст ютуққа келтирувчиси танланади.

* Бу қоидани амалда эҳтиёткор қарор қабул қилувчи шахслар (пессимистлар) қўллайди.

Минимакс қоидаси (мисол).

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар			Энг юқори ютуқлар
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда	
Хусусий тижорат б-ча мутахассисларни ишга олиш	600	400	2000	2000
Иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш	200	200	200	200

Энг юқори ютуқларга (яъни 2000 ва 200 га) келтирувчи стратегиялардан энг паст ютуққа (яъни 200 га) келтирувчиси танланади.

Хулоса: Иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш керак.

Сэвидж қоидаси

* Сэвидж қоидасига кўра энг катта ютказишларга келтирувчи стратегиялардан энг кичик ютказишга келтирувчиси танланади.

* Бу қоидани амалда эҳтиёткор қарор қабул қилувчи шахслар (пессимистлар) қўллайди.

Ютказиш деганда бой берилган имконият тушунилади.

Ютуқлар матрицаси

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар		
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш)	600	400	2000
Иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш	200	200	200

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар			Энг катта ютказишлар
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда	
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш)	800	0	0	800
Иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш	0	200	1800	1800

Ютказишлар (бой берилган имкониятлар) матрицаси

Энг катта ютказишларга (яъни 800 ва 1800 га) келтирувчи стратегиялардан энг кичик ютказишга (яъни 800 га) келтирувчиси танланади.

Хулоса: Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш керак.

Гурвиц қоидаси (пессимизм-оптимизм қоидаси)

α - *пессимизм коэффициенти*: ушбу кўрсаткич 0 ва 1 оралиғида қийматлар қабул қилади.

Гурвиц қоидасига кўра ҳар бир стратегия учун α **минимал ютуқ* + (1- α)* *максимал ютуқ*

формуласи бўйича тегишли ютуқ ҳисобланиб, сўнг энг катта ютуққа эга бўлган стратегия танланади.

Агар $\alpha = 0$ бўлса, у ҳолда

«максимакс» ҳолати ва $\alpha = 1$ бўлса, «максимин» ҳолати вужудга келади.

Гурвиц қоидаси: $\alpha=0.6$

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар			Вазнга солинган ютуқлар		
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда	Вазнга солинган минимал ютуқ	Вазнга солинган максимал ютуқ	Вазнга солинган ютуқлар йиғиндис
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш	600	400	2000	$-600 \cdot 0.6$	$2000 \cdot 0.4$	440
Иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш	200	200	200	$200 \cdot 0.6$	$200 \cdot 0.4$	200

Лаплас қоидаси

Лаплас қоидасига кўра ўртача ютуқларга келтирувчи стратегиялардан энг юқори ўртача ютуққа келтирувчиси танланади.

Айнан қайси ташқи муҳит ҳолати юзага келишини билмас эканмиз, демак, ҳар бир ҳолатнинг юзага келишини бир ҳил эҳтимолли десак бўлади.

Бу қоидани амалда ўртача ютуқни оширмақчи бўлган қарор қабул қилувчи шахслар қўллаиди.

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар			Ўртача ютуқлар (ҳисоблаш йўли)	Ўртача ютуқлар
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда		
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш	600	400	2000	$(-600 + 400 + 2000) / 3$	600
Иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш	200	200	200	$(200 + 200 + 200)$	200

Ўртача ютуқларга (яъни 600 ва 200га) келтирувчи стратегиялардан энг юқори ўртача ютуққа (яъни 600 га) келтирувчиси танланади.

Хулоса: Хусусий тижорат б-ча мутахассисларни ишга олиш керак.

Умумий хулоса:

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар			Максимакс коидаси	(Валъд) коидаси Максимин	Минимакс коидаси	Сэвидж коидаси	Гурвиц коидаси	Лаплас коидаси
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда						
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш	-600	400	2000	2000	-600	2000	800	440	600
Иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш	200	200	200	200	200	200	1800	200	200

Тўртта қоида бўйича ҚҚҚШ биринчи стратегияни, қолган иккита қоида бўйича эса иккинчи стратегияни маъқул топди.

Умумий хулоса: Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш керак.

Умумлаштириш учун математик ифодалар

Берилган:

ҚҚҚШнинг муқобил (стратегиялари) қарорлари: $S_1, S_2, \dots, S_i, \dots, S_m$

Ташқи муҳитнинг мумкин бўлган ҳолатлари: $B_1, B_2, \dots, B_j, \dots, B_n$

Ҳар бир стратегия-ҳолат жуфтлигига тегишли ютуқлар матрицаси: $A=(a_{ij})$, $i=1, \dots, m; j=1, \dots, n$.

Ютуқлар жадвали

Муқобил стратегиялар	Ташқи муҳит ҳолатлари				
	B_1	...	B_j	...	B_n
S_1	a_{11}	...	a_{1j}	...	a_{1n}
...
S_i	a_{i1}	...	a_{ij}	...	a_{in}
...
S_m	a_{m1}	...	a_{mj}	...	a_{mn}

ҚҚҚШ i стратегияни танлаганда ташқи муҳит j ҳолатида бўлса, у ҳолда ҚҚҚ шахснинг ютуғи a_{ij} га тенг бўлади.

Ютуқлар матрицаси

$$A = \begin{pmatrix} a_{11} & \dots & a_{1j} & \dots & a_{1n} \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots & \vdots \\ a_{i1} & \dots & a_{ij} & \dots & a_{in} \\ \vdots & \vdots & \vdots & \vdots & \vdots \\ a_{m1} & \dots & a_{mj} & \dots & a_{mn} \end{pmatrix}$$

$$i=1, \dots, m; j=1, \dots, n.$$

Аниқлик шароитида ҚҚҚ қоидалари формулалари

Максимакс қоидаси: $MX = \max_i (\max_j a_{ij})$

Вальднинг максимин қоидаси: $W = \max_i (\min_j a_{ij})$

Минимакс қоидаси: $MN = \min_i (\max_j a_{ij})$

Сэвидж қоидаси: $SMN = \min_i (\max_j l_{ij}) = \min_i (\max_j (\max_i a_{ij} - a_{ij}))$

Гурвиц қоидаси: $H = \max_i (\alpha * \min_j a_{ij} + (1 - \alpha) * \max_j a_{ij})$

Лаплас қоидаси: $L = \max_i \left(\frac{1}{n} \sum_{j=1}^n a_{ij} \right)$

Биз таваккал тушунчасисиз ҳолатида ҚҚҚни кўриб чиқдик. Масалан, Вальднинг максимин қоидасига кўра – умуман таваккал қилинмайди. Максимакс қоидасига кўра эса таваккал умуман эътиборга олинмайди (келажакка ўта оптимист сифатида қараш). Таваккал тушунчаси эҳтимоллик билан боғлиқ. Демак, мақбул ҚҚҚ учун ташқи муҳит ҳолатларининг эҳтимоллигини ҳисоблаб чиқиш зарур.

Одатдаги стратегик ўйинларда томонлардан ҳар бири ўзи учун энг фойдали ва рақиб учун эса иложи борича камроқ фойдали тадбирларни кўради. Лекин шундай ҳоллар ҳам кўп учрайдики, уларда томонлардан бири (I ўйинчи) операцияни амалга оширишда стратегияни онгли равишда танласа, иккинчи томон (II ўйинчи) стратегияларни танлашда мутлақо мақсадсиз, тасодифан ҳаракат қилади. Табиат билан ўйин деб аталувчи бундай вазиятларда II ўйинчи I ўйинчига номаълум бўлган объектив борлиқ (табиат) деб қаралади. Операцияларни текширишда операцияни ўтказувчи томонни (I ўйинчи) кўпинча статист деб, операцияларнинг ўзларини эса статистикнинг табиат билан ўйинлари ёки **статистик ўйинлар** деб атайдилар.

Аниқлик шароитида қарор қабул қилиш масалаласининг ўйин шаклида кўйилишини кўрамиз. Фараз қилайликки, операциянинг ўтказилиш муҳити олдиндан аниқ маълум бўлмаган n хил ҳолатдан бирида бўлиши мумкин. Бу ҳолатларни T_1, T_2, \dots, T_n деб белгилаймиз. Операцияни ўтказувчи томон мумкин бўлган m та A_1, A_2, \dots, A_m стратегияларга эга. Ҳар бир жуфт A_i ва T_j стратегиялар учун I ўйинчининг a_{ij} ютуқлари маълум ва улар $H=(a_{ij})$ тўлов матрицаси шаклида берилган деб фараз қилинади.

Масала шундай (соф ёки аралаш) стратегияни танлашдан иборатки, уни қўллаш операцияни ўтказувчи томонга энг катта ютуқни таъминласин.

1-Мисол. Жамоа хўжалигининг учта ер участкаси бор: A_1 -сернам, A_2 -ўртача намли, A_3 -куруқ. Бу участкалардан бирига картошка, қолганларига эса кўк майса экиш мўлжалланмоқда. Маълумки, картошкadan яхши ҳосил олиш учун вегетация даврида тупроқда маълум миқдорда намлик бўлиши талаб қилинади. Намгарчилик ортиқча бўлса, экилган картошка баъзи жойларда чириб қолиши, ёғингарчилик етарли бўлмаганда эса у секин ривожланиши мумкин. Агар об-ҳаво шароитига кўра ҳар бир участканинг ўртача ҳосилдорлиги маълум бўлса, картошкadan яхши ҳосил олиш учун уни қайси участкага экиш кераклигини топиш талаб қилинади.

A_1 участканинг ҳосилдорлиги мос равишда ёғингарчилик нормал, нормадан ортиқ ва кам бўлганда I гектардан 200, 100 ва 250 центнерни ташкил қилади. Шунга ўхшаш A_2 участкада – 230, 120 ва 200 центнер, A_3 участкада эса – 240, 260 ва 100 центнер.

Ўйиннинг тўлов матрицасини тузамиз. II ўйинчининг яъни табиатнинг стратегияларини, ёғингарчиликнинг нормадан кам, нормал ва нормадан ортиқ бўлишига кўра, мос равишда, T_1, T_2, T_3 деб белгилаймиз.

Жамоа хўжалиги – I ўйинчининг ҳам учта стратегияси бор: A_1 -картошкани сернам участкага экиш, A_2 -ўртача намли участкага экиш ва A_3 -куруқ участкага экиш. Жамоа хўжалигининг ютуғи стратегиялари ҳар бир A_i ва T_j жуфти учун 1 га

ернинг ҳосилдорлиги шаклида берилади (1-жадвал)

1-жадвал

	T ₁ - нормадан кам	T ₂ - нормал	T ₃ - нормадан ортиқ
A ₁ -сернам	250	200	100
A ₂ -ўртача намли	200	230	120
A ₃ -қуруқ	100	240	260

Табиат билан ўйин ютуқлар матрицасининг таҳлили кўрилган қоидалар бўйича табиат билан ўйновчи шахснинг (I ўйинчининг) такрорланувчи ва бефойда стратегияларини ҳисобдан чиқариб ташлашдан бошланади. Табиатнинг (II ўйинчининг) стратегияларига келганда эса шуни айтиш керакки, улардан бирортасини ҳам ҳисобдан чиқариб ташлаш мумкин эмас, чунки табиат ҳолатларидан ҳар бири, I ўйинчининг хатти-ҳаракати ва мақсадидан қатъий назар, тасодифий равишда юз бериши мумкин. Табиат биринчи ўйинчига қаршилик кўрсатмаганлиги туфайли табиат билан ўйин стратегик ўйинларга нисбатан соддароқдек бўлиб кўриниши мумкин. Лекин аслида бундай эмас. Стратегик ўйинда ҳар бир ўйинчи рақибининг унга зид ҳаракат қилишини аниқ билади. Статистик ўйинда эса I ўйинчи II ўйинчининг қандай йул тутишини, яъни табиатнинг қандай ҳолати юз беришини аниқ билмайди. Лекин операцияни ўтказувчи томонга табиат билан ўйинда шу маънода осонроқки, у бу ўйинда онгли рақиб билан ўйиндагига нисбатан кўпроқ ютиш эҳтимоли бор. Шу билан бирга унинг асосли қарор қабул қилиши қийинроқ, чунки табиат билан ўйинда вазият ноаниқлигининг таъсири анча кучли бўлади.

Статистик ўйинда ютуқлар матрицасидан фойдаланиб таваккаллар (тахлика) матрицаси тузилади.

Таваккал деб табиатнинг бирор T_j ҳолатида A ўйинчининг максимал ютуғидан A_i стратегияни танлагандаги ютуғини айириш натижасига айтилади.

Жадвалнинг j-устундаги максимал ютуқни β_j билан белгилаймиз, яъни β_j=max a_{ij}. Энди r_{ij} билан T_j ҳолатда A_i стратегияни танлагандаги таваккални белгилаймиз: r_{ij}=β_j- a_{ij}. Равшанки, r_{ij}>0. Таваккалларнинг R(r_{ij}) матрицаси кўп ҳолларда ноаниқлик вазиятини ютуқлар матрицасига нисбатан чуқурроқ англаб олиш имконини беради. Бу матрицанинг r_{ij} элементи табиат T_j ҳолатида I ўйинчининг A_i стратегиянинг қулайлиги ёки ноқулайлигини ифода қилади.

2-Мисол. 1-жадвалда келтирилган ютуқлар матрицасига мос таваккаллар матрицасини тузиш талаб қилинади.

β_j(j=1,2,3) максимал ютуқларни топамиз: β₁=max(250,200,100)=250, β₂=max(200,230,240)=240, β₃=max(100,120,260)=260. Таваккаллар матрицаси элементларини ҳисоблаймиз: r₁₁=β₁-a₁₁=250-250=0, r₁₂=β₂-a₁₂=240-200=40, r₁₃=β₃-a₁₃=260-100=160, r₂₁=β₂-a₂₁=250-200=50 ва ҳоказо.

Ниҳоят, таваккаллар матрицасини ҳосил қиламиз (2-жадвал)

	T ₁	T ₂	T ₃
A ₁	0	40	160
A ₂	50	10	140
A ₃	150	0	0

Тажриба қилмасдан статистик ўйинларда қарор қабул қилиш мезонларини қараб чиқамиз.

Табиат ҳолатларининг маълум эҳтимолларига асосланган мезон. Баъзи ҳолларда статистик ўйинлардаги ноаниқлик вазиятларини бирмунча сусайтиришга муваффақ бўлинади. Бунга статистик кузатиш маълумотлари асосида табиат ҳолатлари эҳтимолларини топиш йўли билан эришилади.

Фараз қилайликки, табиат ҳолатлари эҳтимоллари берилган бўлсин: $P(T_1)=Q_1, P(T_2)=Q_2, \dots, P(T_n)=Q_n$, бу ерда $\sum_{i=1}^n Q_i = 1$. У вақтда (I ўйинчи) максималлаштиришга интиладиган ютуқнинг (математик кутилманинг) ўртача қиймати:

$$\bar{a}_i = a_{i1}Q_1 + a_{i2}Q_2 + \dots + a_{in}Q_n, \quad i = 1, 2, \dots, m,$$

бўлади. Оптимал стратегия сифатида A_i стратегиялардан ютуқнинг максимал ўртача қийматига мос келадигани танлаб олинади:

$$\bar{a} = \max_i \bar{a}_i = \max_i \left\{ \sum_{j=1}^n a_{ij}Q_j \right\} \quad (1)$$

Табиат ҳолатлари эҳтимоллари маълум бўлганда оптимал стратегияни таваккаллар кўрсаткичидан фойдаланиб ҳам топиш мумкин:

$$\bar{r}_i = r_{i1}Q_1 + r_{i2}Q_2 + \dots + r_{in}Q_n, \quad i = 1, 2, \dots, m,$$

Бу ҳолда оптимал стратегия сифатида таваккал ўртача қийматининг минимумини таъминлайдигани танлаб олинади:

$$\bar{r} = \min_i \bar{r}_i = \min_i \left\{ \sum_{j=1}^n r_{ij}Q_j \right\}.$$

Ўртача ютуқ ва ўртача таваккал мезонлари бир хил дастлабки маълумотларга, яъни бир хил ўйин матричасига қўлланганда бир хил натижаларга олиб келишини кўрсатамиз. \bar{a}_i ҳамда \bar{r}_i кўрсаткичларни ҳисоблаймиз ва уларни қўшамиз:

$$\bar{a}_i + \bar{r}_i = \sum_{j=1}^n a_{ij} \cdot Q_j + \sum_{j=1}^n r_{ij} \cdot Q_j.$$

$r_{ij} = \beta_j - a_{ij}$ эканлигидан $\bar{a}_i + \bar{r}_i = \sum_{j=1}^n \beta_j \cdot Q_j$ келиб чиқади. Муайян матрица учун ушбу йиғинди ўзгармасдир: $\bar{a}_i + \bar{r}_i = c$;

$$c = \sum_{j=1}^n \beta_j \cdot Q_j \quad (2)$$

(2) ифодадан \bar{a}_i нинг максимал бўлиши \bar{r}_i нинг минимал бўлишига олиб келиши кўриниб турибди. Бинобарин, ўртача ютуқ мезонини максималлаштириш

йўли билан топилган оптимал стратегия ўртача таваккал мезонини минималлаштириш йўли билан топилган оптимал стратегиянинг ўзи бўлади.

Яна бир муҳим қоида шуки, агар табиат ҳолатлари эҳтимоллари Q_1, Q_2, \dots, Q_n лар маълум бўлса, I ўйинчининг аралаш стратегиялардан фойдаланишига ҳожат қолмайди. Ҳақиқатан, агар I ўйинчи $P=(P_1, P_2, \dots, P_n)$ аралаш стратегияни қўлласса унинг табиат шарт-шароитлари ва стратегияси бўйича ўртачалаштирилган ютуғи:

$$\bar{a} = \sum_{j=1}^n \bar{a}_j \cdot P_j \quad (3)$$

бўлади. Лекин \bar{a} ўртачалаштирилган қийматларнинг энг каттасидан ошиқ бўла олмайди, яъни $\bar{a} \leq \max_i \bar{a}_i$. Бундан келиб чиқадики, табиат билан ўйинда ҳар қандай P аралаш стратегиядан фойдаланиш I ўйинчи учун оптимал соф стратегияни қўллашдан афзалроқ бўла олмайди.

3-мисол. Об-ҳаво шароити эҳтимолий ҳарактеристикалари: ёғингарчилик нормадан кам бўлиш эҳтимоли $Q_1=0,3$; ёғингарчилик нормадагидек бўлиши эҳтимоли $Q_2=0,4$; ёғингарчилик нормадан зиёд бўлиш эҳтимоли $Q_3=0,3$ маълум бўлса, 1-мисол (1-жадвалга қаранг) асосда оптимал стратегия топилсин.

I ўйинчи стратегияларидан ҳар бири учун ютуқларнинг ўртача қиймати $a_1=185$, $a_2=188$, $a_3=204$ бўлади. Ютуқнинг максимал ўртача қиймати $a = \max_i \bar{a}_i = \max(185, 188, 204) = 204$.

Демак, масала ечимига кўра оптимал стратегия бу A_3 стратегиядир (яъни картошкани қуруқ ер участкасига экиш).

Биз статистик ўйинларнинг объектив ҳисоблаб топилган табиат ҳолатлари эҳтимоллари асосида ечилишини кўриб чиқдик. Агар ҳолатлар объективлик баҳоларини топиш мумкин бўлмаса, у вақтда табиат ҳолатлари эҳтимоллари субъектив тарзда қуйидагича баҳоланиши мумкин.

1) Лаплас принципига кўра:

$$Q_1 = Q_2 = \dots = Q_n = \frac{1}{n} \quad (4)$$

деб олинади, яъни табиатнинг ҳеч бир ҳолати бошқа ҳолатларига қараганда кўпроқ намоён бўлмайди.

2) Камаювчи арифметик прогрессия принципи асосида

$$Q_1 : Q_2 : \dots : Q_n = n : (n-1) : \dots : 1$$

деб қаралади, бунда

$$Q_j = \frac{2(n-j+1)}{n(n+1)}, j = 1, 2, \dots, n \quad (5)$$

Бу усулдан табиат ҳолатлари уларнинг содир бўлиш муқаррарлиги (юз бериш эҳтимоллари) камайиш тартибида жойлаштириш мумкин бўлганда фойдаланиш мумкин.

3) Экспертлар гуруҳининг берган маълумотлари асосида табиат ҳолатлари эҳтимолларининг ўртача қийматлари $\bar{Q}_1, \bar{Q}_2, \dots, \bar{Q}_n$ аниқланади.

Булардан ташқари, табиат ҳолатлари умуман номаълум бўлса, бундай ноаниқлик шароитида оптимал ечимни топишнинг бошқа мезонларга асосланган усуллари ҳам ишлатилади.

Вақтнинг максимин мезони. Бу ўта пессимистик мезондир. Бу мезонга асосан оптимал стратегия сифатида энг ёмон шароитларда максимал ютуқ таъминлайдиган стратегияни танлаш тавсия этилади, яъни, $\alpha = \max_i \min_j a_{ij}$.

Сэвиджнинг минимакс мезони. Бу мезон ҳам худди Вальд мезони каби ўта пессимистик мезон ҳисобланади. Бу мезон буйича ута ёмон шароитларда таваккал қийматининг минимумини таъминлайдиган стратегияни танлаш тавсия этилади:

$$r = \max_j \min_i r_{ij}. \quad (5)$$

Гурвиц мезони. Бу мезон – умумлашган максимум мезони деб юритилади. У қуйидаги кўринишга эга:

$$s = \max_i \left\{ \lambda \min_j a_{ij} + (1 - \lambda) \max_j a_{ij} \right\},$$

бунда $0 \leq \lambda \leq 1$. λ коэффициент қандайдир вазиятларни эътиборга олган ҳолда танланади. Кўришиб турибдики, $\lambda=1$ да Гурвиц мезони Вальднинг пессимистик мезонига, $\lambda=0$ да эса ўта оптимистик мезонга айланади ($\lambda=0$ да $S = \max_i \min_j a_{ij}$.)

Энди шу мезонларнинг қўлланишига доир мисоллар қараймиз.

4-мисол. Ўйиннинг ютуқлар матрицаси 3-жадвалда берилган. Лаплас принципини қўллаб I ўйинчи оптимал стратегияси топилсин.

3-жадвал

	Т				
I		T ₁	T ₂	T ₃	T ₄
A ₁		1	3	1	4
A ₂		4	1	3	2
A ₃		3	1	3	1
A ₄		3	0	2	3

(3) формулага кўра $Q_1 = Q_2 = Q_3 = Q_4 = \frac{1}{4}$. У вақтда $a_1 = (1+3+1+4)/4 = 2,25$; $a_2 = (4+1+3+2)/4 = 2,5$; $a_3 = (3+1+3+1)/4 = 2$; $a_4 = (3+0+2+3) = 2$.

Ютуқнинг максимал ўртача қиймати $a = \max_i \bar{a}_i = \max(2,25; 2,5; 2; 2) = 2,5$.

Демак, табиат ҳолатлари эҳтимоллари бир хил бўлганда 3-жадвал билан берилган ўйинда A₂ стратегия оптимал бўлади.

Агар табиат стратегиялари уларни муқаррарлиги камайиб бориш тартибида жойлаштирилганда T₃, T₁, T₂, T₄ кетма-кетликни ҳосил қилса, уларни янгидан T₁¹, T₂¹, T₃¹, T₄¹ деб белгилаб, ютуқлар матрицаси 4-жадвал кўринишда бўлган ўйинга келамиз.

4-жадвал

I \ T	T ₁ ¹	T ₂ ¹	T ₃ ¹	T ₄ ¹	\bar{a}_i
A ₁	1	1	3	4	1,7
A ₂	3	4	1	2	2,8
A ₃	3	3	1	1	2,3
A ₄	2	3	0	3	2,0

(4) формуладан фойдаланиб, $n=4$ учун $Q_1^1 = \frac{2}{5}$; $Q_2^1 = \frac{3}{10}$; $Q_3^1 = \frac{1}{5}$; $Q_4^1 = \frac{1}{10}$ бўлишини топамиз. \bar{a}_i ўртача ютуқлар 4-жадвалнинг охириги устунда келтирилган. Бу устун элементларидан, $a = \max_i \bar{a}_i = 2,8$ ни ва I ўйинчининг оптимал A₂ стратегиясини топамиз.

5-Мисол. Универмаг раҳбарияти A турдаги молдан буюртма бермоқда. Бунда молга бўлган талаб 6 дан 9 бирликката оралиқда эканлиги маълум. Агар буюртма бўйича олинган мол талабни кондириш учун етарли бўлмай қолса, раҳбарият етишмай қолган молга шошилиш буюртма бериши ва олиб келиш мумкин. Агар талаб молнинг мавжуд миқдоридан кам бўлса, сотилмаган мол универмаг омборида сақланади.

Молга бериладиган буюртманинг шундай ҳажмини топиш керакки, бунда агар бир бирлик молни омборда сақлаш харажати 10 сўмни, шошилиш буюртма бериш ва олиб келиш харажати эса 20 сўмни ташкил этса, омборда сақлаш ва шошилиш буюртма бериш билан боғлиқ қўшимча чиқимлар минимал бўлсин.

Ушбу мисолда харидорлар талаби иккинчи ўйинчи сифатида намоён бўлмоқдаки, унинг стратегиялари – талаб миқдорлари T₁=6 бирлик, T₂=7 бирлик, T₃=8 бирлик, T₄=9 бирлик билан белгиланади.

I ўйинчи стратегиялари – универмаг раҳбариятининг буюртмалари A₁=6, A₂=7, A₃=8, A₄=9 бирлик мол миқдоридан иборат.

Ўйиннинг тўлов матрицаси 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

I \ T	T ₁ =6	T ₂ =7	T ₃ =8	T ₄ =9	\bar{a}_i
A ₁ =6	0	-20	-40	-60	-60
A ₂ =7	-10	0	-20	-40	-40
A ₃ =8	-20	-10	0	-20	-20
A ₄ =9	-30	-20	-10	0	-30

Матрица элементларини ҳисоблашда фақат молни омборда сақлаш ва шошилиш олиб келиш билан боғлиқ қўшимча чиқимлар эътиборга олинган. Масалан, буюртма 8 мол бирлигига, талаб эса 7 бирликка тенг бўлганда 1 бирлик молни омборда сақлаш харажатлари 10 сўмни ташкил этади. Буюртманинг худди шу ҳажмида талаб 9 бирликка тенг бўлса, у ҳолда етишмаган 1 бирлик молни шошилиш олиб келиш учун қилинадиган харажат 20 сўмни ташкил этади.

Ўйиннинг ечимини Валд, Сэвиж ва $\lambda=0,2$ да Гурвиц мезонлари бўйича топамиз.

А) Валд мезонини қўллаш. $i=1,2,3,4$ элементларни топамиз ва уларни 5-жадвалнинг қўшимча устунига ёзиб қўямиз. \bar{a}_i лардан энг каттаси $\bar{a}_3 = -20$, яъни $\bar{a}_3 = \max_i \min_j a_{ij}$.

Демак, A_3 -оптимал стратегиядир, яъни молдан 8 бирлик буюртма бериш керак.

В) Сэвиж мезонини қўллаш. Ютуқлар матрицаси асосида таваккалар матрицасини тузамиз (6-жадвал) ва қўшимча устунга максимал \bar{r}_i таваккаларни жойлаштирамиз.

6-жадвал

I \ II	T ₁ =6	T ₂ =7	T ₃ =8	T ₄ =9	\bar{r}_i
A ₁ =6	0	20	40	60	60
A ₂ =7	10	0	20	40	40
A ₃ =8	20	10	0	20	20
A ₄ =9	30	20	10	0	30

(5) формулага кўра r_i сонлардан минималини топамиз:

$$gr = \min_i r_i = \min_i \max_j r_{ij} = 20 = r_3.$$

Демак, Сэвиж мезони бўйича ҳам A_3 – оптимал стратегия бўлар экан.

С) Гурвиц мезонини қўллаш. 7-жадвал тўлов матрицасининг ўнг томонидаги учта устунга қуйидаги баҳоларни ёзиб қўямиз: $a_i = \min_j a_{ij}$, $W_i = \max_j a_{ij}$, $h_i = a_i + (1-a)W_i$.

7-жадвал

I \ II	T ₁ =6	T ₂ =7	T ₃ =8	T ₄ =9	W _i	\bar{a}_i	h _i
A ₁ =6	0	-20	-40	-60	0	-60	-12
A ₂ =7	-10	0	-20	-40	0	-40	-8
A ₃ =8	-20	-10	0	-20	0	-20	-4
A ₄ =9	-30	-20	-10	0	0	-30	-6

$\lambda=0,2$ да h_i нинг қийматларидан энг каттаси $h_3=-4$ бўлиб, у A_3 стратегияга мосдир.

Демак, қаралаётган мисол учун ечим қуйидагича: универмаг раҳбарияти 8 бирлик молга буюртма бериш учун ҳамма асосга эга, чунки учала мезон ҳам масалани, A_3 стратегия фойдасига ҳал қилинмоқда. Гурвиц мезони бўйича $0a$ а $a1$ бўлганда A_3 стратегия оптимал бўлишини кўриш қийин эмас. Фақат $a=0$ (ўта оптимизм)дагина ҳамма стратегиялар тенг кучлидир.

Таваккал (риск) шароитида қарорлар қабул қилиш қоидалари

«Ташкилотга ходимларни ишга олиш» масаласи

Ташкилотга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш мумкин, деб фараз қиламиз. Ташқи муҳит ҳолати сифатида қуйидагилар фараз қилинади:

- а) иқтисодий инқироз рўй бераётганлиги;
- б) иқтисодий инқирознинг аломатлари борлиги;
- в) иқтисодий инқироз рўй бераётганлиги.

Фирма эгалари икки хил йўл тутиши мумкин.

- а) Хусусий тижорат б-ча мутахассисларни ишга олиш;
- б) Иқтисод б-ча мутахассисларни ишга олиш.

Қандай қарор қабул қилиш керак:

Хусусий тижорат б-ча мутахассисларни ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш керакми?

Ютуқлар жадвали

Муқобил стратегия (ташкилотга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар		
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш	-600	400	2000
Иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш	200	200	200


Қўшимча маълумот:

Ташкилот қўшимча тадқиқот ишларини ўтказди ва ташкилот экспертлари тегишли статистик маълумотлар таҳлили асосида қуйидаги эҳтимолликларни баҳолади:


- Иқтисодий инқироз йўқ – $p=0,5$;
- Иқтисодий инқироз аломатлари бор – $p=0,4$;
- Иқтисодий инқироз рўй бермоқда – $p=0,1$.

«Ташкилотга ходимларни ишга олиш» масаласи

Масалани QM дастурида ечиш
Таваккал шароитида ҚҚҚ учун




«Decision Analysis» модулига мурожаат қиламиз ва «New» тугмасини босамиз
 Натижада қуйидаги ойна пайдо бўлади:



**Қарорлар
 даррахтини
 қуришда
 қўлланилади**

«Decision Tables» тугмасини босамиз

Маълумотларни киритиш:



- бу ерга масаланинг номи киритилади
- бу ерга ташқи шароитлар сони киритилади
- бу ерга альтернативалар сони киритилади
- мезон аниқланади (фойда максималлаштирилади, ҳаражатлар минималлаштирилади)
 - «OK» тугмаси босилади

Маълумотлар учун жадвал:

	State 1	State 2	State 3
Probabilities	0	0	0
Decision 1	0	0	0
Decision 2	0	0	0

	qtisodiy inqiroz yo'q	qtis. inqiroz alomatlari bor	qtisodiy inqiroz bo'lgan
Probabilities	0	0	0
Hus. tij. huq. b-cha yur. ishga olish	0	0	0
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish	0	0	0

Ҳолатлар эҳтимолини киритиш:

Objective		Hurwicz Alpha		
<input checked="" type="radio"/> Profits (maximize) <input type="radio"/> Costs (minimize)		<input type="text" value="0"/>		
		iqtisodiy inqiroz yo'q	iqtis. inqiroz alomatlari	iqtisodiy inqiroz bo'lyapti
Probabilities		.5	.4	.1
Hus. tij. huq. b-cha yur. ishga olish		-600	400	2000
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish		200	200	200

Таваккал шароитида ҳолатлар эҳтимолликларини киритиш

Гурвиц қоидаси:

Objective		Hurwicz Alpha		
<input checked="" type="radio"/> Profits (maximize) <input type="radio"/> Costs (minimize)		<input type="text" value=".4"/>		
		iqtisodiy inqiroz yo'q	iqtis. inqiroz alomatlari	iqtisodiy inqiroz bo'lyapti
Probabilities		.5	.4	.1
Hus. tij. huq. b-cha yur. ishga olish		-600	400	2000
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish		200	200	200

Гурвиц қоидасига кўра k - эҳтиёткорлик коэффициенти аниқланади

«Solve» тугмасини босамиз

Натижалар тақдимоти:

Objective		Hurwicz Alpha		
<input checked="" type="radio"/> Profits (maximize) <input type="radio"/> Costs (minimize)		<input type="text" value=".4"/>		
		iqtisodiy inqiroz yo'q	iqtis. inqiroz alomatlari	iqtisodiy inqiroz bo'lyapti
Probabilities		.5	.4	.1
Hus. tij. huq. b-cha yur. ishga olish		-600	400	2000
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish		200	200	200
		maximum	200	2000
		Best EV	maximum	maximum
			maximum	Best

The maximum expected monetary value is 200 given by Jin. huq. b-cha yur. ishga olish
 The maximin is 200 given by Jin. huq. b-cha yur. ishga olish
 The maximax is 2000 given by Hus. tij. huq. b-cha yur. ishga olish

Натижалар 5 та ойнада келтирилган:

Асосий жадвал ойнаси

Кутилаётган ютуқлар жадвали

Аниқ маълумот нархи жадвали

Бой берилган имкониятлар жадвали

Гурвиц қоидаси учун жадвал

Decision Table Results (untitled) Solution

	iqisodiy inqiroz yo'q	iqis. inqiroz alomatlari bor	iqisodiy inqiroz bo'lyapti	EMV	Row Min	Row Max	Hurwicz
Probabilities	.5	.4	.1				
Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga	-600	400	2000	60	-600	2000	440
Jin. huq. b-cha yur. ishga	200	200	200	200	200	200	200
			maximum	200	200	2000	440
				Best EV	maximum	maximum	Best

The maximum expected monetary value is 200 given by Jin. huq. b-cha yur. ishga olish
The maxim is 200 given by Jin. huq. b-cha yur. ishga olish
The maximum is 2000 given by Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga olish

Expected Value Multiplications (untitled) Solution

	iqisodiy inqiroz yo'q	iqis. inqiroz alomatlari bor	iqisodiy inqiroz bo'lyapti	Row sum (Exp Val)
Probabilities	.5	.4	.1	
Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga	-300	160	200	60
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish	100	80	20	200

Perfect Information (untitled)

	iqisodiy inqiroz yo'q	iqis. inqiroz alomatlari bor
Probabilities	.5	.4
Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga	-600	400
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish	200	200
Perfect Information	200	400
Perfectly probability	100	160

Regret or Opportunity Loss (untitled)

	iqisodiy inqiroz yo'q	iqis. inqiroz alomatlari bor
Probabilities	.5	.4
Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga	800	0
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish	0	200
Minimum regret		

Hurwicz Table (untitled)

Hurwicz Value	Hus. tj. huq.	Jin. huq. b-cha
.00	-600	200
.01	-574	200
.02	-548	200
.03	-522	200
.04	-496	200
.05	-470	200

Амалиёт №7

Натижалар 5 та ойнада тақдим этилади:

- «Decision Table Results» ойнаси: асосий натижалар жадвали
- «Regret or Opportunity Loss» ойнаси: бой берилган имкониятлар ёки йўқотишлар жадвали
- «Expected Value Multiplication» ойнаси: Кутилаётган ютуқлар жадвали
- «Perfect Information» ойнаси: Аниқ маълумот нархи жадвали
- «Hurwicz table» ойнаси: Гурвиц қондасига кўра k нинг турли қийматлари учун натижалар жадвали

«Decision Table Results» ойнаси:

Decision Table Results (untitled) Solution

	iqisodiy inqiroz yo'q	iqis. inqiroz alomatlari bor	iqisodiy inqiroz bo'lyapti	EMV	Row Min	Row Max	Hurwicz
Probabilities	.5	.4	.1				
Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga	-600	400	2000	60	-600	2000	440
Jin. huq. b-cha yur. ishga olish	200	200	200	200	200	200	200

The maximum expected monetary value is 200 given by Jin. huq. b-cha yur. ishga olish
The maxim is 200 given by Jin. huq. b-cha yur. ishga olish
The maximum is 2000 given by Hus. tj. huq. b-cha yur. ishga olish

Таваккал шароитида қарор қабул қилиш қоидалари

Юқори эҳтимол қондаси

Эҳтимоли энг катта ҳолат учун энг мақбул альтернатива танланади. Яъни, $\max P_j$ мос келган устундан энг катта ютуққа мос альтернатива танланади.

Кутилаётган йўқотишларни камайтириш қондаси: Байес-Сэвидж қондаси

Бой бериладиган имкониятлар жадвали ҳисобланади.

Ҳар бир альтернатива учун кутилаётган ўртача йўқотишлар ҳисобланади ва энг кичик ўртача йўқотишга мос альтернатива танланади.

Ютуқлар матрицаси

Муқобил стратегия (ташкilotга хусусий тижорат ёки иқтисод бўйича мутахассисларни ишга олиш)	Ҳолатлар		
	Иқтисодий инқироз йўқ	Иқтисодий инқироз аломатлари бор	Иқтисодий инқироз рўй бермоқда
Хусусий тижорат бўйича мутахассисларни ишга олиш	-600	400	2000
